

М А Н Г У Ж А Н Г

Мен билмадим, дунёда қачон

Қайдан пайдо бўлмишдир ҳасад?

Қачон ундан қутулар инсон

Мен билмадим,

Шу менда ҳасрат.

(Садриддин Салим Бухорий).

Ит ўрнидан қимирлолмай қолганда, шаҳарча аввалига енгил нафас олгандек бўлди,Аммо кейин билишдики, чучварани хом санашибди. Тош девор тагида ётган махлуқ тепадан жуда кўп кўчаларга нигоҳ ташларди. Тис шаҳарчасининг нақ ярми унинг назоратига тушди. Ким билсин, унинг кўзи қанчалик узоқни кўраркан?

(Дино Буццати, «Авлиёнинг ити»).

1.

Чақалоқни кўриб доя кампирнинг ранги-қути ўчиб кетди: боланинг кўзлари бакрайиб турар, йиғламас, аксинча, маҳкам қимтилган лабларининг бир чети хиёл кўтарилиб, тиржайишга уринаётгандек эди.Турли болаларнию турфа балоларни кўравериб кўзи пишиб кетган кампир ногоҳон ўзининг саросимага тушаётганини англаб,овоз чиқармай калима келтирди.Боланинг киндигини кесиб, боғларкан,ундан ғалати бир хид анқиётганини пайқади.Бу ажабтовур ис бошқа гўдакларникига умуман ўхшамас, нимаси биландир ўзига тортар, шунинг баробарида кўнгилни сал-пал

алағда қилиб,ижирғантитарди.Бунинг устига,гўдакнинг кўзлари атрофини ўраб турган оқиш чизик аниқ билиниб турар, бунақасини энди рўйи заминда олтмиш беш йил яшаб қўйган бечора аёл ҳали кўрмаганди.

-Астағфирилло..! Нимага ўхшайди, нима бу ўзи? Кўзойнакми, нима бало? Ё қудратингдан...

Ташқаридан эркак товуши эшитилди:

-Ўҳ-хў,ўҳ-хў! Шу йўтал сабил эзиб ташлади-да.Ўв амма, қани, бўрими, тулки?

Доя кампир чехрасига сохта табассум ниқобини илиб, овоз берди:

-Бўри, Қулмуродбой, бўри! Суюнчини тайёрлайверинг.

-Ўв-в яратган эгам, ўзингга шукр!- эркак енгил нафас олиб, хитоб қилди, -Суюнчи сиздан айлансин,аммажон! Онаси... уям тузукми?

Кампир беҳол ётган аёлга кўз қири билан қараб, беихтиёр бош силкиди:

-Тузук бўлмай нима, жин урармиди...Ана, ётибди.

Бироқ, бечора кампир мушфиқ онаизорни айнан «жин урганини»,манови беўхшов тиржайиб турган гўдак ўзини дунёга келтирган шўрлик аёлнинг бошини еганини,бахтиқаро она бир неча соатдан сўнг бу ёруғ дунё билан хайлашишини ва шу билан келгусида мана шу ўғли туфайли бошига ёғилажак тавқи лаънатлардан қутулиб кетишини ҳали билмасди.Зеро,Вақт ҳам,Қисмат ҳам яратганнинг измида бўлиб, бандаси бу ўринда ожиз эканлиги кундай равшан. Мана шу гўдак келгусида кўплаб одамлар тақдирига қора тамға босишини, қанчадан-қанча кўнгилларни вайрон, умрларни абгор қилишини ёлғиз парвардигоргина биларди,холос.Чақалоқ ва унинг онасидан кўра мўмайгина суюнчи пули ҳақида кўпроқ ўйлаётган доя кампир эса кўп қатори бир одам, яратганнинг гуноҳкор бандаларидан бири эди.

Ўша куни баҳор осмони қорайди, ҳаво туйқус ўзгариб, булутлар ковоқ уйишди. Олдинига жала,сўнг тош ёғди. Йирик-йирик муз парчалари деразаларнинг ойналарини синдирди,эндигина баҳорга етишганига шукрона айтаётган дилларни ваҳимага тўлдирди. Қулмурод биргатнинг аёли тонгга яқин омонатини топширди. Оилада саккизинчи фарзанд бўлиб дунёга келган чақалоқ эса ҳамон йиғламас, бармоғини сўрганча шипга термулиб,чала тиржайиб ётарди.Кўп йил пахтачилик бригадасини бошқарган Қулмуродбой ҳам, унинг ҳамқишлоқлари ҳам ўша тунда улкан мамлакат бир қалқиб тушганидан беҳабар эдилар. Бу кун – 1953 йилнинг бешинчи марти эди. Олис Масковда «халқлар отаси, улуғ доҳий» Сталин ёруғ олам билан хайр-маъзурни насия қилиб, нариги дунёга йўл олганди...

2.

-Нимага менинг отим бунақа?! –тишларини ғижирлатди болакай ўтирган жойида ер тепиниб,-Истамайман бунақа ёмон исмни! Отам қани, менга бошқа ном қўйиб берсин!

Аёл аввал ўз-ўзидан жазавага тушаётган болага, сўнг унга эътибор ҳам бермай дарс қилаётган акасига савол назари билан қаради. Катта ўғил хокисор жилмайди:

-Ўйламанг, эна, бунинг яна «припатка»си тутди.

Сочларига ҳали оқ ораламаган бўлса-да, турмушнинг залворли юки: биринчи турмушидаги фарзандсизлик изтироблари, суйганидан ажралиш азоби,сўнг саккиз фарзанд билан хотинсиз қолган, кеча-кундуз даладан бери келмайдиган эркакнинг хархашалари,ва ниҳоят манови чала етимнинг инжиқ феъли букчайтирган гавдасини хиёл эгиб турган аёл бирдан жонланди:

-Воҳ энанг айлансин сендан, болам! Нимага отинг ёмон бўлар экан? «Қулаҳмад» -пайғамбаримизнинг, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қули дегани. Шундай улуг зотга қул бўлиш бахтку! Бунинг нимаси ёмон, болажоним?

-Қул бўлишни истамайман!-тагин жазавага тушди болакай,-Истамайман! Қул «хизматкор» дегани экан, мен хизматкор бўлмайман! Ота-а!

У ўша окшом отасидан бир шапалоқ егачгина озми-кўпми тинчигандай бўлди. Мактабдаги тенгдошлари, учинчи синф ўқувчилари уни «қул-қул» деб калака қилаверишгач, исмини ўзгартиришни ният қилганди. Бироқ,отасининг ундан бошқа ҳам ғаму ташвиши етарли эди: пахта, пила,чорва дегандай. Бунинг устига об-ҳаво ҳам ноқулайроқ келди.Табиат инжиқлигидан асаби таранглашиб,кечки пайт уйига қайтган Қулмурод биргат бетиним минғирлаётган ўғлига бирпас ҳайрон бўлиб қараб турди-да, беихтиёр қулоқ-чаккасига тортиб юборди.Уйнинг нариги бурчагига учиб кетган бола,шу пайтгача ўғай онасини бирон марта «она» деб чақирмаган Қулаҳмад ёшига ярашмаган йўғон овозда бўкирди:

-Эна-а!

Унинг ўқиши кундан-кун ёмонлашиб борарди. Аввалига уни ялқовликда айблаб юрган синф раҳбари ногоҳ сезиб қолди: боланинг кўриш қобиляти паст эди.У китобни нақ бурнига опкелиб ҳижиллар,уч қадам наридаги одамни танимасди. Отаси бу янгиликни эшитиб тўнғиллади:

-Э-э тавба-ей! Энаси худораҳмати ҳам баъзан «кўзим-кўзим» деб воҳ-воҳлаб қўярди. Нима бало, бу ҳам касалликмикан-а..?

Нима бўлганда ҳам ота ўзини у ёққа ташлади,бу ёққа ташлади,охир барибир ўғилчасини шаҳардаги дўхтирга кўрсатиб, кўзойнак олиб беришга мажбур бўлди. Аслида она қорнидан тушгандаёқ кўзойнак тақишга маҳкум этилган,кўзи атрофи ва қаншаридаги ғайритабiiй оқиш изларнинг ўзи кўзойнакни қатъiiй

талаб қилиб турган чехра энди бирдан ўзгарди. Жиддийлашди, атрофга синчиклаб, синовчан назар билан боқадиган, ўзига ёқмайдиганроқ киши ёки воқеани кўрса, туғма тиржайиш билан, сўзсиз баҳолаб қўядиган бўлди.

Мактабдаги ўқишлари ижобий тарафга кескин ўзгарди. Зеҳни ўткир, хотираси зўр, оғир-вазмин Қулаҳмад икки йилдаёқ барча тенгдошларидан ўзиб кетди. Ҳар чоракда мақтов ёрлиғи олар, кундалиги «беш»дан тўлиб, отанинг думоғини чоғ қиларди. Таниш-билишлар «Ўғлингиз раис бўлади-ёв!» дейишганда Қулмурад биргат ич-ичидан севиниб, бир қарич ўсарди.

Кечагина уни «кул-кул, нархинг бир пул» деб эзиб юрган синфдошлари энди уни «Аҳмад, Аҳмаджон» деб чақиришар, синфдаги барча гўзал қизлар зимдан унга ошиқ эдилар. Бироқ, бола уларнинг ҳеч бирига, ҳатто ўзини «кўтар-кўтар» қилишаётган мактаб раҳбарларига ҳам эътибор бермасди. Қалин кўзойнак остидан оламга син солиб турган кўзлар тубида пинҳон бир сир яширингандек, бу нигоҳ эгаси эрта-индин ажабтовур ишларни амалга оширадигандек эди.

Тарих фани бўйича вилоят олимпиадасида ҳам биринчи ўринни олиб, Тошкентга бориб келгач, у мактабининг ва қишлоғининг фахрига айланди. Ўнинчини битириш чоғи олтин нишон унга тегиши аниқ бўлиб қолди. Аммо, бу ғаддор чарх қачон камбағалга раҳм қилган ўзи?! Бечора бригадирнинг эмас, раиснинг ўғли олди олтин медални! Қулмурад биргат дамини ичига ютди: ахир, раис бова билан ўйнашиб бўладими!? Лекин, Аҳмадбой жим юрадиган болалардан эмасди. Район маориф бўлимига, сўнг вилоятга ёзди. Бўлди бир тўполон! Текшир-текшир, комиссия устига комиссия. Охири ҳақ жойида қарор топиб, олтин нишонни Қулаҳмадга олиб бердилар. Бироқ, афсуски, бу орада институтларда имтиҳонлар тугаган, Аҳмаджон кеч қолганди.

Ўрис қизларининг тиллари жуда ширин-да. Тўғри ва кўчма маъноларда айтилган бу гапга Қулахмад юз фоиз қўшилади. Бўлмаса, қарангки, шунча йил олдинига Қулахмад, кейин Аҳмад ва Аҳмаджон бўлиб юрган йигит бирдан Аҳметчик, Алиқ бўлди-қолди. Белгород зўр шаҳар экан, қизлари эса – олий нав!

У биринчи йил кечиккан бўлса-да, иккинчи йил ўқишга кирди. Киргандаям сира қийналмай, ўйнаб-кулиб қирди. Ўзиям нақ Россияга, Белгород саноат институтига!

-Ўғлим,ўзимизнинг Бухорогами, Тошкентгами борақол...- жавранди энаси кўз ёши қилиб.

- Узоқ ерда ўт битса, ориқ ундан семирмас...Ўрусияда пишириб қўйибдими!-тўнғиллади отаси.

-Ўзбекистонингизда ҳақиқат йўқ!- деди йигит чўрт кесиб,- Россияда одамлар честний, ўша ёққа бораман!

Аслида «одил» ҳукумат ҳар йили қардош республикалардан рус бўлмаган йигит-қизларни Россиянинг турли шаҳарларига ўқишга таклиф этиб, имтиёзли ўқитиб берарди. Гарчи Шўронинг бу узоқни кўзлаган сиёсати замирида маҳаллий миллатларни руслаштириш мақсади ётса-да, ҳарқалай, ёшлар дунё кўриб, онгу тафаккури ўсиб, олий маълумот олиб қайтишарди. Ҳар йили келадиган ана шундай «набор»га энг аълочи битирувчилар, уларнинг орасидан ҳам пухта-пишиқ, иложи бўлса етимлар, бўлмаса камбағал оилалар фарзандлари танлаб олинарди. Қулахмадбой ҳам ана шу танловга илиниб, мана, гўзал бир шаҳарда талабаликнинг олтин даврини ўтказиб юрибди. Куни кеча тўртинчи курсга ўтган йигит рус тилини яхшигина ўрганган, жиддий қиёфаси, қалин кўзойнаги унинг айнан интеллектуал соҳа вакили, «келажаги порлоқ кадр» эканлигини яққол кўрсатиб турарди.

Мана, бугун ҳам эринмай майдалаб ёғаётган қор остида ижарахонасига қайтаркан,боягина тугаган йиғилиш

таассуротларидан сармаст эди у. Ҳа, «КПСС тарихи» дарслиги муалифларидан бири, атоқли олим Никита Владимировичнинг муборак назарига тушди. Ўзи асли кўпдан шу домланинг кўнглига йўл қидириб юрганди, мана, бугунги партия фаоллари йиғилишида хонаси кеп қолди. Ёш коммунист сифатида қатнашган Аҳмаджон Никита Владимирович билан профессор Штерн ўртасидаги баҳсни бирпас кузатиб турди-да, сўз сўраб қўл кўтарди. Ва бечора профессорни тупроққа қориб ташлади!

-Мухтарам профессор, мана, сиз айтяпсизки, бугунги жамият – тобора эркинлашиб бораётган, ҳаётий ва табиий эҳтиёжлари тўлатўкис қондирилган совет кишилари яшаётган тузум деб. Билмадим, балки мен адашаётгандирман, лекин, доҳий Ленин таъкидлаганидек, синфий кураш ҳеч қачон тўхтамайди. Жамият қанчалик ривожланса, табақаланиш шунчалик кучайиб бораверади. Масалан, биз, совет кишилари бир-биримизга «ўртоқ» деб мурожаат қиламиз. Аммо, менинг деҳқон отам, умрини пахта даласида ўтказган, ҳатто ўн йилдлик ўрта маълумоти ҳам бўлмаган отам сиздай профессорга ўртоқ бўла оладими? Мана, сизнинг биринчи курсда ўқийдиган ўғлингиз Антон дарсга «Волга»да келади, мен эса- трамвайда...

У кўп гапирди,хўп гапирди,бироз «рамкадан чиқиб»роқ сўзлади. Зеро, у ҳеч кимдан қўрқмасди.Чунки,у...

...ўшанда иккинчи курсни битириб, талабалар қурилиш отряди билан қўшни вилоятда ишлаб юрган ёз палласи эди. Бир куни улар яшайдиган барак олдида кўримсизгина «Москвич» машинаси келиб тўхтади.Ундан тушган икки йигитнинг қўлларидаги тўрхалталар егулик ва ичкиликка тўла эди.

-Район комсомол комитети инструкторларимиз. Қани, азаматлар, зиёфатга ҳозирлик кўринглар!- деди уларнинг новчароғи чапаниларча қийқириб. Талабага нима керак- текин зиёфат керак. Бирпасда қизлар дастурхон тузаб, йигитлар шишаларни очишди.Дунёдаги энг адолатли социалистик тузум учун,

«ҳаммамиз учун азиз ва ҳурматли бўлган кадрдонимиз» Леонид Ильич Брежневнинг соғлиги учун ичиб бўлингач, севги ва садоқат учун, кейин эса дўстлик ва миллатлараро биродарлик учун ичилди. Зиёфат авжига чиқиб, ит эгасини танимай қолгач, инструкторлар Аҳмадни бир чеккага имлашди. Кўчага чиқишди, уларнинг бири чўнтагидан қизил муқовали гувоҳномасини олиб кўрсатди.

-Энди гап бундай, братан,-деди ўрис йигит тамаки тутунини бир четга пуфлаб,-биз сени кўпдан кузатиб юрибмиз. Камбағал оиладан чиққансан, мактабда яхши ўқигансан. Институтда ҳам ишларинг яхши. Камгап, пишиқ боласан. Бизга маъқул тушдинг. Институтни битириб, аспирантурада қолиш ниятидасан, шундайми?

-Билмадим...Эҳтимол...-у ҳали суҳбат мароми қай тарафга бурилишини тузукроқ англамаган бўлса-да, сир бой бергиси келмади.

-О, молодец, отличный жавоб! Ну,ўзбек, гап йўқ сенга! Хуллас, кулоқ сол. Бу ерларда қолиб юрма, бу юртда нари борса ўртамиёна профессор бўласан. Ўз юртингда сени катта ишлар кутяпти. Сен энди бизнинг ҳимоямиздасан, фақат ҳамкорлик қилсанг бўлди. Совет тузумига ич-ичидан қарши, жамиятдан норози ғаламислар ҳали бор орамизда. Сен уларни кўрган заҳотинг бизга хабар бер, қолгани бизнинг ишимиз. Дадил бўл, йиғилишларда қатнашиб, фаоллик кўрсат, ҳеч кимни аяб ўтирма. Муҳими, одамларни гапга сол, кўзгаб юбор, ҳаяжонлар тошганда инсон дилидагини беихтиёр тилига чиқаради. Биз сенинг таянчингмиз, пайти келиб сен ўзинг туғилиб ўсган юртинг эгаси бўласан.

...-Аҳмедчик, келдингми, азизим?!- у эшикни очган мовий кўзли, олтинсоч сулувнинг майин овозидан ўзига келди. Хаёл билан бўлиб, ижарахонасига қандай келиб қолганини ҳам сезмай қолибди. Уйга кириб, чала-ярим кечлик қилди-да, нариги хонадаги кўхна каравотда ўзининг сўнгги кунларини санаб ётган хонадон бекаси-Мария Павловнадан хабар олди.

-Бирон нарсa керакми, бемалол айтаверинг, -деди йигит ўта ғамхўр оҳангда.

-Ничего не надо, Алик...Спасибо тебе...-кампир унга кўзлари ёшланиб тикилди: қандай ажойиб йигит-а! Қанийди, шундай бир куёвинг бўлса...

Кўп ўтмай кампирнинг қизи суйкалавериb жонидан тўйғазгач, йигит «ноилож» унинг ётоқхонасига кирди...

4.

«Обкомкомсомол» деганлари ғалванинг уяси экан. Коммунистлар партиясининг суянган тоғи бўлмиш комсомолнинг вилоят кўмитасида кеча-кундуз одам қайнайди. Ҳали у туманда йиғилиш, ҳали бу ташкилотда семинар дегандай, нима кўп, турли тадбирлар кўп. Ёш, келажаги порлоқ инструктор Аҳмаджон барчасига улгуради. Энди у Қулаҳмад Қулмуродович эмас, Аҳмаджон Муродович эди. Институтни битириб, Ўзбекистонга қайтган заҳоти исми-фамилиясини ўзгартириш пайига тушди. Ва бунга эришди ҳам. Тўғри, шаҳар истироҳат боғида кечки сайрда юрган кунларининг бирида (якшанба куни эди, агар хотираси панд бермаётган бўлса) унга дуч келган ўрис йигит ҳам бу ишда унга анча кўмаклашди. Талабалик чоғларини, студентлар қурилиш отрядини, кечки базмни уюштириб берган икки миллатдошини унга мулойимлик билан эслатган ўрис бола қизил гувоҳномасини кўрсатгач, берган ваъдасини ҳам ёдига солди.

-Сиздан угина, биздан бугина. Ҳеч нимани ўйламай, бемалол ишлаб юраверинг. Фақат баъзи-баъзида айрим масалаларда бизга ёрдам бериб турсангиз бас.Ўз навбатимизда биз ҳам қараб турмаймиз,-деди у Аҳмаджонга маъноли тикилиб.

Унинг от-обрўси жойида эди. Кимсан- етакчи инструктор, ҳадемай комсомолнинг вилоят қўмитасига иккинчи котиб қилиб сайланиши ҳеч гап эмас. Кўрибсизки, у ёғи яқин, «биринчи»ликкача бир қадам қолади. Ҳа, у ўзини тутиб боряпти. Уйланди, шаҳарда икки хонали уйи бор... Анови белгородлик Настяхон ўзича бир нималарни хомхаёл қилиб юргани аниқ эди, бироқ йигит диплом қўлга теккан куни уни ҳам, унинг касалванд ва жаврақи онасиниям бутунлай унутди. Ахир, уни ўз юртида юксак орзулар, нақд мансаб кутиб турибди!

Алқисса, юртига қайтди. Бу орада кўринмас механизм ишга тушди: то у туғилган қишлоғига келиб, ота-онаси билан маслаҳат қилгунча, вилоят марказида унга аталган кабинет ва курси аллақачон тайёрлаб қўйилганди.

Қулмурод биргат бундай бахту омадга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай юрган кунларининг бирида Аҳмадбой уйланишдан гап очиб қолди.

-Майли,- деди кекса деҳқон ич-ичидан севиниб, -акангнинг уйлагани ўх-хў, қачонлар эди.

- Аммангнинг қизи Дилором...- энаси оғзининг таноби қочиб, гап бошлади.

- Бўлмайди!- Аҳмадбой унинг гапини шарт кесди,- Мен раиснинг қизини оламан!

- И-и, буниси қизиқ бўлдику!- ота оғзини очиб қолди,- Ким айтдики сенга, раис қизини...

- Қани, бермай кўрсин-чи..!- ўғилнинг қисик кўзларида порлаган совуқ аланга ота-онани ҳовуридан туширди.

«Шу бола ўзим боқиб-ёққан Қулаҳмадми ўзи?» дея ўйлади она унинг биронта мускули қилт этмай турган юзига термулганча.

«Қарашлари худди... Исталин бовага ўхшайдими-ей!» дея ич-ичидан калима қайтарди бечора ота.

Ҳақиқатан ҳам совчилар биринчи боришдаёқ ишни битириб қайтишди. Гарчи раис бованинг ўзи катта йиғилишга кетган бўлса-да, хотини Пошшахон унинг рози эканлигини айтиб, бўлғувси қудаларини хурсанд қилди. Кўп ўтмай унча дабдабасиз, аммо раис ва бригадирнинг мавқеига яраша, ўртамиёна тўй бўлиб ўтди. Ўша пайтлари эл оғзига тушган жингалаксоч хонанда хизмат қилган, шахсан обкомкомсомолнинг биринчи котиби ва райқўм бова иштирок этган тўй юртда овоза бўлди. Бундай машҳурлар, бунақа каттаконлар ҳар кимнинг тўйига ҳам келишавермайди-да. «Раис бова ўғлига олтин нишонни олиб бермоқчи бўлгани учун Аҳмадбой ундан қасдини олди» дегувчилар ҳам топилди, бироқ бу воқеа замирида бошқа гап борлигини фақат тўрт киши – йигит, қиз ва икала қуда холалар билишарди,холос...

Тўйдан икки ҳафтача бурун туманлардан келган фаол комсомол аъзолари иштирок этган йиғилишда маъруза қилган Аҳмадбой залнинг биринчи қаторида ўтирган Жозибахонни ногоҳон кўриб қолди. Атлас кўйлакли,бўйи сал пастроқ бўлса-да, тўладан келган, икки яноғида кулдиргичлари бор лўппи юзли, ўзиникига ўхшаш хиёл қисикроқ кўзлари атрофга анчайин беписанд ва масхараомуз боқадиган қизнинг нафақат чехраси, балки белидан пасти ҳам Аҳмадбойга ёқиб тушди. Ўтирган пайти унча сезилмаган бўлса ҳам, танаффусга чиқиш учун нозли буралиб ўрнидан турган қизнинг ларзон қоматини йигит ҳавас билан кузатди. Ёпирай, шу қиз бир пайтлдардаги жамалаксоч Жозибами ўзи? Бақ-бақалоқ, ўзидан катта папкасини зўрға кўтариб,мактабга онда-сонда бир келадиган, ўғил болалар «Жўзик» деб эрмаклайдиган қизчами шу? Ўзгариб кетибдику, парипайкарга айланибди!

Ўша куни Аҳмадбой унга бир-икки син солиб қўйди, холос. Олдига бормади, гапга солишга уринмади. «Ўзи келади!- деди ичида бир овоз қатъий қилиб,- Керак бўлсанг ўзи топиб келади!»

Дарҳақиқат, йиғилиш тугаб, одамлар тарқай бошлашгач, икки қиз ўз кабинети сари йўналган Аҳмадбойга етиб олишди.

- Қулаҳмад ака!- деди Жозибанинг ёнидаги қотмадан келган, юзларига сепкил тошган сарғиш сочли қиз. Жозиба унга еб қўйгудай қаради, сўнг йигитга ўгирилиб, ширин табассум қилди:

- Ассалом... Аҳмаджон ака, яхшимисиз?

- Салом. Қалайсизлар, землячкалар?

Ўша куни қизларни музқаймоқ билан меҳмон қилган Аҳмадбой пайтини топиб, Жозибанинг қулоғига «Эртага холироқ жойда учрашайлик» дея шипшиди. Уч кунлик семинарнинг охирги куни, аниқроғи, сўнгги туни икковининг ҳам хотирасида умрбод қоладиган бўлди. Аҳмадбой вилоят раҳбарияти томонидан берилган янги квартирасида қизни яхшилаб меҳмон қилгач, ярим тундан сўнг унинг висол жомидан тўйиб сипқорди. Шундай қилиб, тўй бўлишига заррача шубҳа қолмади.

Кўнглининг бир четида ростдан ҳам раис бовага нисбатан жиндай алами бормиди, ёки Жозибахоннинг офатижону ларзон қомати ақлини ўғирладими, ишқилиб, аниғини яратган эгам билан Аҳмадбойнинг ўзи билади. Нима бўлганда ҳам энди у- кимсан, раиснинг куёви! Раис бўлгандаям унақа-мунақа раис эмас, машъал колхознинг ўттиз йиллик кўҳна раиси. Москвада ҳам уни танишади, Тошкентдаги каттаконларку раис бова билан мисоли ака-укадек. Энди Аҳмадбойнинг муртини болта чопмаслиги аниқ!

5.

- Намунча куёнга ўхшаб изма-из туғаверасан!?- деди у қалин кўзойнак ортидан кўзларини чақчайтириб,- Ўзи каталакдек квартира бўлса!

- Вой ўлай! Вой... шарманда! –хотини унга бақрайиб, тили тутилганча гўлдирай бошлади,- Нима, мен... осмондан олиб ёки кўчадан орттириб келиб туғяпманми?! Ҳа-а, келманг яқинимга...

бирга ётманг, туғмайман, вассалом! Қайси тил билан шу гапни... Астағфирилло! Ўзи иккитагина боламиз бор, учта бўлса нима қипти!? Вой ўлиб қўяқолдай! Ҳа-а тишини берган эгам ризқиниям берар...

- Бўлди қил!- деди у диванга ҳорғин чўкаркан,- Майли, кўп асабийлашма, сенга зарари бор.

- Дадамга телефон қиламан!- хотини сал-пал билина бошлаган қорнини силаб, шахд билан ўрнидан турди,- Мошин юборсин, олиб кетсин бизларни! Ўзингиз қолаверинг шўппайиб! Биладан, кўнглингиз бўлак сизнинг! Ёш-ёшларини кўрасиз ҳар куни, комсомолкаларни...

- Бас дедим! Ўтир!- у хотинига ёмон қаради, аммо аёл тайсаллаб тураверди,-Шароитни кўриб турибсан, уйимиз тор... Ишлайман дегандинг, қани? Ҳарқалай, олий маълумотлисан.

- Канешни! Юристан! Лекин, болалар билан қандай ишлайман.Ўзи зарилми менга шу иш дегани? Нима,қуним ўтмайдими? Худога шукр, дадам ҳали тирик!

- Худо йўқ!- деди у кўзойнагини олиб, мижжаларини бармоқ учлари билан аста артганча қатъий қилиб,- худо, жаннат, дўзах,пайғамбар, фаришта – бунақа гапларни миянгдан чиқариб ташла! Сен коммунистнинг хотинисан... Майли, тур, овқатингни иситиб кел, вақт ҳам ярим кечага яқинлашди...

Бир ой ўтар-ўтмас улар янги, уч хоналик кварирага кўчиб ўтишди. Қайнотаси ҳақиқатан ҳам ҳали тирик, унча-мунча ишни оғзининг ели билан битказарди. Жозиба эса унинг ёлғизгина қизи, шу боис кекса раиснинг ҳиммати бу билан чекланмади: кўп ўтмай Аҳмаджон Муродович вилоят комсомол қўмитасининг иккинчи котиби бўлди. Икки ойдан сўнг биринчи котибни қон босими «қоқиб ташлагач», Аҳмаджон Муродович ўз-ўзидан унинг ўрнини эгаллади. Энди у вилоятнинг биринчи раҳбари билан қўл олишиб кўришадиган, йиғилишлару зиёфатларда бирга ўтирадиган бўлди,

«Ўзимизнинг кадр»га айланди. Фақат шу обқўмнинг мафкура котиби са-а-лгина...

Улуғ Октябрь байрами арафасида вилоят партия қўмитасининг мафкура бўйича котибаси, бутун воҳа аҳли ҳурмату киной аралаш Опахон деб атайдиган эркакшода аёл Аҳмаджон Муродовични ҳузурига чақиртирди. Тор давраларда, ишончли одамлар орасида Бош Канизак деб аталадиган республикадаги асосий Опадан ташқари, ҳар бир ҳудудда мана шундай опалар бўларди ўша пайтларда. Асли ўзи рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган котиба опа вилоятдаги адабий муҳитни қаттиқ назорат қилар, партия сиёсатига зид бўлган асарлар матбуот саҳифаларида чиқиб кетишидан кўрқиб, туман газеталарини ҳам доимий диққат марказида сақларди. Шундай бўлса ҳам котибанинг айрим ўринларда бўй кўрсатадиган бағрикенглиги, ёш истеъдодларни, айниқса, бошқа миллатларга мансуб бўлган ижодкорларни жонини гаровга қўйиб бўлса-да, қаноти оститда сақлаши, ҳимоя қилишига кўпчилик тан берар, унинг мардлигига беш кетарди.

Бир пайтлар ўзи ҳам тузуккина шеърлар битган, мухлислару дўст-ёрлар даврасида очик-сочик бўлган Опахон кабинетида ўта жиддий ҳолда ўтирар, Аҳмаджон Муродович кирганда ҳам унинг қовоғидан қор ёғаётганди. Салом-аликдан сўнг котиба кўзойнагини ечиб, кўлидаги газетани бир четга қўйди-да, унга синчковлик билан тикилди.

- Хўш, укагинам, ишлар қалай?- деди у ашаддий кашанда эркаклардай тамаки буриқсатиб.

- Раҳмат, нормальный...- йигит илжайди.

- «Нормальный» - «ўртамиёна, мўътадил» дегани, демак, ишлар унчалик яхши ҳам эмас. Хўш, нимага бундай? Дарвоқе, ўзбекчани яхши билмайсан, шекилли-а?

- Йўғ-ей, биламан, бу энди... просто привычка-да...

- Воҳ-ҳа-ҳа!- котиба яна эркакчасига қийқириб кулиб юборди,- бу аскиями ёки тагин қовун туширдингми, уагинам?

Аҳмаджон Муродович «қовун туширганини» сезд, аммо, не бахтки,нажот йўлини ҳамсуҳбатининг ўзи кўрсатиб бераётганди.

- Бир аския қилдик-да, опа... Узр-да энди...- чайналди у.

- Майли-майли, безарар. Хўш, уагинам, тўйларга бориб турибсанми?

- Кечирасиз, тушунмадим..?

-Бунинг нимасига тушунмайсан? Тўй-ҳашамларга қатнашиб туриш керак, уагинам.Тўй-маъракаларда кўп гаплар бўлади, уларни эшитиш, хулоса чиқариш лозим. Мана, масалан, тўқимачилик фабрикасида ишлайдиган Раъно деган қизнинг тўйида бир ёш шоир шеър ўқибди. Ғирт диний руҳдаги, совет воқелигига мутлоқо ёт бўлган шеър! Ўша йигитча, ёш шоир Холмурод Қаҳҳор, комсомол аъзоси, пединститутнинг биринчи курс талабаси экан.Хўш, институт комсомол қўмитаси унинг ижодидан, фикрлаш тарзию дунёқарашидан беҳабар ҳам дейлик, унда вилоят комсомол комитети қаёққа қараяпти?! Биз комсомол деганда бўлажак коммунистни тушунамиз, шундай эмасми,уагинам?

- Шун... шундай... Узр, опа...-у аста ўрнидан турди.

- Ўтир!- котиба жаҳл билан қўл силтади, -Ёки бўлмасам иккинчи воқеани олайлик: Боғзор тумани комсомол қўмитасида ишлайдиган Ҳасан Чориевни билсанг керак. Биласан, қўшни юртдансизлар. Ана шу бола ўғлини суннат қилдирганини эса билмайсан. Суннат,хатна,чукбуррон –булар эскилик сарқитларику! Тагин ким қилибди бу ишни –район комсомол қўмитаси ходими! Уят, иснод! Сарҳаддаги туманда, айнан сен туғилган юртга қўшни ерда одамлар ўлганларга жаноза ўқитиб, худойилар қилишяпти! Хўш, сен нималар қилиб, қаерга қараб юрибсан!? Бу онги заҳарланган халқни комсомоллар ғафлат уйқусидан уйғотиши, тарбиялаши керак

эмасми? Менда бунақа «сигнал»лардан нақ элликтаси бор! Хўш, укагинам, нима қиламиз?

Аҳмаджон Муродович бунақа сиёсий ўйинларнинг ҳадисини олган эди, бундай дақиқаларда энг яхши ҳимоя- бу ҳужум эканлигини яхши англаб етганди. Қолаверса, уни лозим пайтда ҳимоя қиладиганлар бор. Бунинг устига, анови кунги тушидан сўнг...

Ўзи Аҳмаджон Муродович туш деган нарсага кўпда ишонавермасди. Энаси (туққан онаси эмас,ҳозиргиси) биров тушдан гап очса, «Ёз тушининг ярми ёлғон,қиш тушининг бари ёлғон» деган гапни кўп такрорлайди. Шу гап унинг қулоғида қолганлиги боис кўрадиган тушларига унчалик эътибор бермайди. Лекин,бу туш... Тавба, шунақасиям бўлар экан-да. Тушида... нақ азон пайти, хўрозлар яккам-дуккам қичқираётган пайт, худди кеча муҳим бир нарсасини шу ерда унутиб қолдиргандек, халлослаганча кабинетига кириб келибди. Қулфни очиб ичкарига кирса, унинг севимли курсисида кимдир ялпайиб ўтирибди! Унинг жони ҳалқумига тикилди. Ахир, у мана шу креслога етгунча кам азоб тортдимми?! Кимга ялинган, кимга хушомад қилган, тағин бировни кўрқитиб, шантаж қилган, не-не хўрликлару ранжларни ичига ютган кунларини у ҳали унутгани йўқ! Манови номаълум махлуқ эса (қарангки, унинг курсисини вақтинчалик забт этган жонзод айнан МАХЛУҚ эканлигини у савқи табиий билан сезган экан. Кейинчалик бир неча бор ич-ичидан ўзининг сезгирлигига тан бериб қўйди) «ўроқда йўқ,машоқда йўқ,хирмонда ҳозир» бўлиб, ёнбошлаганча тамаки тутатиб ётибди! Тағин денг, қимматбаҳо «Гавана» сигараси, Аҳмаджон Муродович кирган заҳотиёқ унинг ҳидига қараб,бехато аниқлаганди.

-Ўв жўра!- деди у шахд билан олдинга юраркан, -Каллайи саҳарлаб бировнинг кабинетида пишириб қўйибдимми?! Қана, бир тур-чи, ранги-рўйингни бир кўриб қўййлик!

-Нимасини кўрасан?! - нимқоронғи хонада ҳамсухбатининг овози гумбурлаб кетди, Аҳмаджон Муродовичнинг зийрак кўнгли бир

хавфни сезгандек, қалқиб тушди, ҳозиргина шахдам бўлган қадамлар беихтиёр турган ерига михланди, -Ҳа, майли, кўркмасанг қарайқол, аслида ўзи сенга кўринай деб келганман.

Креслода ялпайиб ётган зот курси билан қўшилиб аста айланди-да, кабинет соҳибига тик қаради. Оппоқ рангу рўйи, хиёл қисилган, тешиб юборгудек назар билан боқувчи кўзлари, қайрилиб турган қирғий бурни, орқага силлиқ таралаб, сигир ялагандек ялтираб турган сочлари унинг қандайдир аслзода, оқсуякларга мансуб эканлигини эслатиб тургандек эди.

-Тўғри топдинг, -деди у хона соҳибининг фикрини ўқиётгандек, - мен ҳақиқий аристократ, аслзодаларнинг бобокалониман. Чунки, одам боласи тупроқдан бино бўлган, мен эса оловдан яралганман!

Унинг мағрур овози янграши баробарида афти ҳам лаҳза сайин ўзгара бошлади.Гоҳ кекса чол,гоҳ бегуноҳ болакай сиймоларида товланган чехра, ниҳоят, ўз асл қиёфасида тўхтади. Олов сочаётган, чакчайган кўзлар, ханжардек ўткир тишлар, учлари диккайиб турган жундор кулоқлар, буришган-тиришган юз терилари... «Ахир, бу...» Аҳмаджон Муродович хулосасини охирига етказолмади, меҳмон нақ икка қулоч келадиган бақувват думи билан гиламни тарс-тарс савалаб, унга ўшқирди:

-Хўш, яхшилаб кўриб олдингми?! Баракалла, тўғри топдинг. Мен ўша қувғинга учраган бечора, қиёматгача муҳлат берилган зотман. Одамзотни йўлдан уриш, уни дўзах сари бошлаш –менинг асосий машғулотим.

-Дўзах, қиёмат деган гаплар–уйдирма, диний сарқитлар, -деди Аҳмаджон Муродович сал ўзини тутиб олиб.

-Шу гапингга ...ни ебсан! -деди махлуқ кўзларидан олов сочиб, - Сенга ўхшаган бесаводлар, кўзини шира босганлар ўйлаб топган бунди! Ҳа, майли, сенлар халққа шундай деб уктираверинглар, натижа менинг фойдамга бўлади, дўзахилар сони ортади.

Лекин, сен..! Қандай тилинг борди, бор нарсани йўқ дейишга?! Мана, қара, мени кўриб турибсанми?

-Ҳа... -деди Аҳмаджон Муродович кўрка-писа.

-Мен мавжудман, бу тушинг эмас. Ишонмасанг ўзингни чимчилаб кўр, балки уйғониб кетарсан, ха-ха-ха! Мен борманми, демак, бошқа айтилган нарсалар ҳам бор. Қиёмат албатта келади, хотиржам бўлавер. Ҳар ким ўз қилмишига яраша жазо олади. - меҳмон шундай деб тагин қиёфасини ўзгартирди-да, дастлабки қиёфага, аслзода сиймосига қайтди.- Ладно, не хочу тебя пугат...

-Ия, ўрисчалаб кетдиларми, тақсир? -Аҳмаджон Муродович меҳмоннинг нияти холислигини, унга ёмонлик соғинмаслигини аллақачон англагани, шу боис кулимсираб, унинг рўпарасига аста ўтирди.

-Менинг миллатим йўқ! -деди меҳмон чўрт кесиб, -Ҳоҳлаган тилимда гапиришим мумкин. Лекин, шу тил сенга яқинроқ, ҳозирликча бу заминда мана шу тил ҳукмрон, шунинг учун гапирдим. Қолаверса, сени кўрқитиш учун келганим йўқ.

-Раҳмат...-деди хона соҳиби қуллуқ қилиб, -Дарвоқе, ўзларини нима деб атасак маъқулроқ? Асл исмингизни айтсак, оғир ботар дейман?

-Ну-у...когда как... -меҳмон чайналди, -Агар ўзингни менга шогирдликка ярайман деб ҳисобласанг, Устоз деб чақиришинг мумкин.

-Албатта, шогирдликка...ҳаракат қиламан, Устоз. Раҳмат сизга, кўп яшанг!

-Сен айтмасанг ҳам қиёматгача яшайман, ха-ха-ха! Хўп, яхши, энди қулоқ сол. Мен сени туғилганингдан бери кузатаман. Керак одамлар бир неча бор мендан берухсат сенга ёрдам беришганини ҳам биламан. Майли, лекин бундан бу ёғига эҳтиёт бўл. Замона қалқиб турибди, яқинда КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

бошланади, у қирқ йил давом этади. Муҳими, тилингга маҳкам бўл. Ўйлаганингни зинҳор юзага чиқара кўрма. Ҳозирча кимнинг аравасида бўлсанг, ўшанинг ашуласини айтавер, лекин ўзгаришлар бошлангач қулоғинг динг бўлсин. Шамолнинг қай тарафдан эсаётганини беҳато аниқлашинг шарт! Бўлмаса бу сиёсат деган улкан машина сени чайнаб, тупуриб ташлайди! Тушундингми?!

-Тушундим, Устоз...

-Ҳеч кимдан кўркма, одамларим сени ҳимоя қилишади. Лекин, лозим бўлган пайтда чекинишни ҳам ўрган. Ғалаба учун бу жуда муҳим. Энди, шахсий ҳаётинг...Хотининг билан тинчгина яшайвер, лекин бошқа бир аёл ҳам топишинг керак. Мен унинг, хотинингнинг, генлар структурасини етмиш минг пуштигача ўрганиб чиқдим, бу аёл сенга **ҲАҚИҚИЙ ВОРИС** туғиб беролмайди. Сенга керак аёл вақти келиб ўзи олдиндан чиқади, фақат ўша пайтда фурсатни бой берма. Хўш-ш, сиёсий тўполонлар босилгач, одамлар янги кемаларга чиқаётган чоғда сен биринчилар қаторида туришинг керак. Дарға бўлмайсан, бу жуда хавфли иш, лекин дарғалардан олисда ҳам бўлма. Қисқаси, яқинлашсанг-куясан, узоқлашсанг- музлайсан. Масофани сақлашни ўрган. Ҳар қандай ишда! Уқдингми?!

-Уқдим, Устоз.

-Мен сенга қарийб бир соат вақтимни бердим. Агар сабоқларимни унутсанг, йўлимиздан чекинсанг, эгасиз итдай хор бўлиб ўласан!- Устоз тагин кўққисдан тусланди, бу сафар офатижон ёш аёл сиймосига кириб, ноз билан эшилиб-бурала бошлади, -Энди турунг, мени кузатиб қўйинг. Вой, турунг, дадаси, турақолинг!

Аҳмаджон Муродович сапчиб турди: хотини унинг тепасида эгилганча, «турунг-турунг»лар, хонани қуймоқнинг иштаҳани китиқловчи ҳиди тутганди...

...Ўзи аслида ҳам унча-мунча зўрга бўйин бермайдиган Аҳмаджон Муродович ана шу тушидан сўнг тагин-да дадиллашди. Боя мана бу

котибачанинг кабинетига кирганида, бу қисталоқ гапни осмондан олиб бошлаганида у ўзининг шахсий ҳаётида бирор камчилик чиқдимикан, дея бироз чўчиганди. Аён бўлдики, гап аллақаддаги ипирикчи ходимчалару тутуриқсиз шоирчалар ҳақида боряпти! Хўш, қандайдир эсини еган, боши танасига ортиқчалик қилаётган девона маза-бемаза шеър ёзган бўлса, аллақандай сиёсий кўр ходим ўғлини хатна қилдирган бўлса, беш-ўнта нодон ўлган отасию бобосига худойи берган бўлса, осмон узилиб ерга тушмагандир?! Гуруч курмаксиз, гўшт суяксиз, оломон эрмаксиз бўлмайди. Шунга шунча оҳ-воҳми энди? Нима, Аҳмаджон Муродович ип-игна олиб, уларнинг ҳар бирининг кетига тушиб юриши керакми, унинг бошқа юмуши камми? Мана бу энағарнинг чиранишини қаранг! Худди ўзи ойдан тушган оппоғойдай! Туманларга вакил бўлиб бориб, тонготар базмларда раислару партқўмлар билан баравар арок сипқоришини, ярим тундан сўнг кайфи ошиб, биронта кўзига яхши кўринган, чиройлироқ йигитчани тўшагига тортқилашини, кўп ўтмай ўша йигитчанинг кутилмаганда хизмат пиллапояларидан кўтарилишини Аҳмаджон Муродович билмайдими? Унинг «Биринчи» билан муносабатлари анчайин совуқлигини, Масковда яшайдиган, каттаконларнинг эркатойи бўлган қандайдир Козловский деган шоир билан бир пайтлар ҳамсабоқ бўлгани учун ҳам ҳозирги курсисини эгаллаб тургани Аҳмаджон Муродовичга яхши маълум. Эҳ-ҳе, қай бирини санайсиз, бунинг хурмача қилиқлари атторнинг қутисидаям топилмайди. Қаранг, агар ақли жойида бўлганида яккаю ёлғиз ўғлига Мэлс деб исм кўярмиди? Мэлс — «Маркс-Энгельс-Ленин-Сталин» дегани-да! Занғар Сталиннинг «урилгани»ни билмайдими, бу ғирт сиёсий кўрлик эмасми?!

Ишқилиб, бунинг сал танобини тортиб қўймаса, ўзидан кетиши аниқ. Шунинг учун Аҳмаджон Муродович гапни қатъий қилди.

-Тўғри, камчиликлар бор, опа, уларни албатта тузатамиз. Ёшлар тарбиясини бироз кўздан қочирганимиз ҳам рост. Лекин, тан олиш керак, улар орасида талантдилари ҳам кўп. Масалан, анови куни

Дарёобод туманидан бир шоир йигитча келган экан. Жуда истеъдодли бола! Сизниям танир экан, ўзи айтди. Шеърый тўпламини чиқармоқчи экан. «Ўзи тўплам тайёрма?» десам, «Фалончи опам туманимизга борганларида шийпонда тонг отгунча суҳбатлашиб, шеърларимни муҳокама қилганмиз» деди тиржайиб. Ёшгина йигит, лекин, жуда шахди баланд. «Опа институтга киритиб қўйишга ваъда берганлар, ўқишга киргач, уйларида ижарада тураман!» дейди, сурбет! Қабулингизга кирмоқчи экан, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмайди, «Ўламан саттор- кираман!» деб туриб олди, худди ...ўтказиб қўйган жойи бордек. «У киши Қримга даволанишга кетганлар» деб зўрға алдаб, чиқариб юбордим-да, опа!

Котибанинг манглайига теза-реза тер қалқди, ранги биров оқариб, чап қўли стол тортмасини пайпаслади. Кичкина қутичадан аллақандай дорини олиб, тили тагига ташлади-да, чап кўксини уқалай бошлади:

-Шу... юрак баъзан...

-Ўзингизни аямайсиз-да, опа, кўп ишлайсиз! Кечаю кундуз кабинетингизда чироқ ёниқ! Бунинг устига ижод. Унча-мунча шоир болалардан кўра зўрроқ ёзишингизни мен биламанку, опажон! Саломатликниям ўйлаш керак, опа, сиздай улуғ одамлар ҳар минг йилда бир туғилади.

Унинг самимият порлаб турган қисик кўзларига бирпас синовчан тикилиб турган котиба, ниҳоят, аянчлироқ жилмайди:

-Уф-ф... Биров қўйворди шекилли, сволоч...Ажойиб йигитсиз-да, Аҳмаджон Муродович, одамнинг аҳволини даров тушунасиз. Ҳа-а, биров кўпроқ ишляппмиз, кейинги пайтларда. Қўрқамиз-да, ростини айтганда. Бу ёғига қанча вақтимиз қолди, ким билади дейсиз. Кўнгилдагиларни қоғозга тушириб улгурсак деймиз-да...Дарвоқе, раис бовамиз қалай, тетикмилар ҳали?

-Э-э, нима деяпсиз, опа! Бу бобой курғур ҳали девдай, мениям ўлдириб, кейин ўлади бу!

Котиба калта юбка остидан билиниб турган бўлиқ сонларига шапатилаб, хиринглаб кулди:

-Гапгаям гул кўндирасиз-да, Аҳмаджон Муродович, маладессиз, уагинам!- Опахон бироз ўзини ўнглаб олгандай бўлди, -Энди гап бундай: ёшлар билан яқиндан туриб ишланг, туманларга чиқинг, тўй-маъракаларга қатнашинг. Анови шоир бола...майли, юраверсин, лекин, кўздан қочирманг.Ўғлини хатна қилдирган болага бирор чора кўриш керак. Прямой эмас, албатта, бошқа бирон баҳона топинг. Аммо, кўп ҳам эзиб ташламанг, бечорани. «Ижарахўр» бола... Одамларгаям ҳайронман, бир оғиз яхши гапирсанг, ортингдан оч итдек эргашиб юраверади. Ҳа-а, кўнглини кўтариш учун бир-икки оғиз ширин сўз айтган бўлсак-айтгандирмиз-да. Энди, бунақалар кўп, Аҳмаджон Муродович, сиз эса биттасиз. Ишингиз тиқилиб ётибди, ҳаммагаям вақт тополмайсиз, ўзи унча-мунчага эътибор бериш шарт ҳам эмас. Сиздан умидимиз катта, биздан сўнг вилоятдаги мафкуравий масалалар сизнинг заммангизга тушади. Ростки, чарчаганмиз ҳам, соғлиқ ҳам, мана, кўриб турибсиз. Эрта-индин сизга ўхшаган бир достойний кадрга шу кабинетни топишсак, қолган умрни ижодга бағишлаймиз-да...

«Турланасан-а, турланасан, қисталоқ! -дея ўйлади Аҳмаджон Муродович куллуқ қила-қила котибанинг хонасини тарк этаркан, дилида ҳузурбахш бир орзиқиш туйиб, -Бўлиб- туриши шу экан, осмондан келганига ўлайми?! Сал бўлмаса, дағдағаси тош ёрарди-я! Майли, бораверсин-чи, бунинг ҳам косаси тўлиб қолди ўзи. Агар Устоз айтган БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ бошланиб қолса, сиёсат шамоли бунақаларни биринчи бўлиб учириб кетади...Шошма-шошма, ўзим-чи, ўзим? Ўзим нима қиламан? Шунча йил олис юртларда ўқиб келганим, мана шу курсига етгунча туну кун заҳмат чекканим бир пул бўлиб қолаверадими? Йўқ, мен ҳар қандай шароитда ҳам йўлимни топаман. Топишим шарт!

Бошқалар билан нима ишим бор, бу дунёда зўр-зўрники, томоша-кўрники! К...ни чиққан худодан кўрсин! Мен Устознинг ишончини оқлашим керак!»

У ўзи тушда кўрган жонзод ҳақида худди тирик одам тўғрисида ўйлаётгандай фикр юритаётганига эътибор ҳам бермай, навбатдаги ғалабасидан сармаст ҳолда кабинети сари йўналди.

6.

Устоз чиндан ҳам башорат қилган экан, кўп ўтмай улкан салтанат бўрон забтига тушган қумтепадай тўзғиб кетди. (Кейинчалик олис бир туманда яшовчи Шавкат Ўрин деган ҳаваскор шоир ўз тўртлигида каттакон мамлакат таназзулини қуйидагича ифодалаган эди:

Бир улкан тоғ эди, мағрур бир қоя

Билмадим, соябон эдими, соя.

Бир куни гумбурлаб қулади, унга-

Чумоли тепкиси қилди кифоя...)

У ўзининг иккита катта деразаси кўчага қараган улкан кабинетида қоғозларга кўмилиб ўтираркан, яқин ўтмишда бошидан ўтган воқеаларни гоҳ ичи-ичидан кулиб, гоҳ юраги ўртаниб хотирларди. Ҳа-да, ахир мана шу кабинетга, қора дермантин қопланган эшигига «**Шаҳар ҳокими А. Муродов**» деб ёзилган хонага эга бўлгунча у озмунча машаққат чекдими!? Кимларнинг бўй-бошини сийпалади, тагин кимларга пойи-патак бўлди, бошқаларини авради, товлади, пўписа қилди. Ишқилиб, ҳозирча ўзи туғилиб ўсган туман

марказидаги Чакнар деган кичикроқ шаҳарча ҳокими у, яқин келажакда эса туманнинг эгаси бўлиши керак. Бўлиши шарт! Унга шундай ваъда беришган...

-Мана чойингиз...-котиба қиз нозли буралиб, чойнак-пиёлаларни стол четига қўйди. Хаёл оғушидан чиқиб, унинг келишган қоматига суқ билан қаради. Диркиллаган сийналари, таранг сонлари юпқа қўйлак остидан шундоққина билиниб турибди-да, ахир! Қарамай бўларканми?!

Тушига кирган Устоз унга ворис туғиб берадиган аёл ҳақида гапирганидан бери у тўғри келган боши очик аёл ёки қизга умид билан термулади: балки шудир унинг келажagini белгилаб берувчи жуфти? Айрим диққати ошган пайтларда иккала ўғлини ҳам чапараста қилиб сўкиб ташлагиси келади. Бу қисталоқлар қўй оғзидан чўп олмайдиган, ўз соясидан ҳуркиб, ўзганинг соясига салом берадиган бўлиб ўсишяпти. Ғирт онасининг феълу атвори, бу раиснинг қизиям сал нарсага анқайиб «Вой мангина ўлиб қўяқолай!» деб сонига шапатилаб ўтираверади. Ўғилларининг онасига эмас, ўзига тортишини истарди у. Одамларнинг боласи бола сиёқ, мазорнинг олдидан ўтса бир ўлик камаяди, уникилар эса...

У ҳамон нималарнидир баҳона қилиб, кабинетда ивирсиб юрган котибанинг жонўртар қоматига тағин бир бор қараб, қулт этиб ютинди, сўнг «Боравер!» дегандай имо қилди. Ҳа, ҳозирча романтиканинг вақти эмас, пайти келиб бу офатижон ўзи келиб киради унинг оғушига. Ҳозир ишлаш керак, ўзини кўрсатиши лозим Каттага, ана ўшанда Катта унинг номзодини юқорига маъқул қилади, кўрибсизки, туманнинг жилови унинг қўлида. Ана ўшанда у кўрсатиб қўяди айрим душманларига! Фақат Каттанинг назаридан қолмаслик керак!

...Қадриятлар, қарашлар ва мезонлар ўзгараётган, ит эгасини, пишак бекасини танимайдиган олатасир кунларнинг бирида уни Каттанинг шахсан ўзи чақиртириб қолди. Катта асли Фарғона

тарафлардан келган, бу воҳада ишлаётганига ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳамон водийликларга хос такаллуфни унутмаган, тили ширин ва мулойим инсон эди. Барчанинг исмига «хон» қўшиб атайдиган, уйидаги мушугигача сизлаб гапирадиган бу киши ташидан ипакдай бўлиб кўрингани билан ўрни келганда ўта катъиятли, бир сўзли ва адолатпарвар одам эди.

-Келинг, Аҳмадхон, қани, марҳамат,- деди у беғубор жилмайиб, ўтиришга жой кўрсатаркан. Аҳмадхон кўлини кўксига қўйганча қатор терилган курсилардан бирига омонатгина ўтирди:

-Чақиртирган экансиз, ака...

-Ҳа, бир маслаҳатли иш бор, Аҳмадхон. Ўйлайманки, сизга маъқул бўлади. Мана, янги давлат, янги жамият қуришга бел боғлаганимизга ҳам бир неча йил бўлди. Шу илғорлар қаторида туриш учун замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш лозим. Комсомол деганлари тарқалиб кетгач, «Ёшлар иттифоқи» вилоят кўмитасида ишляпсиз. Энди-и, Аҳмадхон, сиз ўсадиган кадрсиз, майда-чуйдаларга умрни сарфламанг. Биз юқори билан маслаҳатлашиб, сизни Академияга ўқишга юборишга қарор қилдик. Бориб ўқиб келинг, ука, икки йил ўтар-ўтмас, қарабсизки, биронта туманга ҳокимсиз-да.

У Каттанинг гапини икки қилолмасди. Қолаверса, яқинда қайнотаси вафот этган, суянган тоғлари қимирлаб қолган эди. Бу ҳам етмагандай, улкан салтанат тўзғигач, лозим ўринларда уни қўллаб турувчи, кўзга кўринмас ўрис болалар ҳам ин-инларига уриб кетишди. Майли, энди Аҳмадхон анча ўзини тутиб олди, керак бўлса ҳоҳлаган одами билан тенгма-тенг гаплаша олади. Унинг ўзидан бошқа ҳеч ким кўрмаган, юзлаб каттаю кичик амалдорларнинг эл-юрт билмайдиган, нигоҳлардан холи томонлари, кирдикорлари қайд этиб қўйилган қора дафтари бор. Истаган пайтида ҳоҳлаган одамига гап орасида ишора қилиб, ўзининг у ҳақда кўп нарсани билишини сездириб қўйиши, овозини ўчириши мумкин. Бу Академия деган жой эса уни кўпдан бери

Ўзига тортиб турибди. Бир пайтлар «Комсомол –ўсадиган кадрлар учун трамплин» дейишарди, энди эса, ана, унинг укаси қатори болалар Академияда ўқиб келиб, катта-катта мансабларни эгаллаб олишяпти. Бунақада у кўп нарсадан қуруқ қолиши мумкин. Туманлардан биронтасига ҳоким бўлиб олса борми... Хайриятки, Каттанинг ўзи бу масалани қўзғади!

-Ўзи шу масалада ҳузурингизга кириш ниятим бор эди, ака...- чайналди у.

-Баракалла! –Катта хурсанд бўлиб, қўлларини бир-бирига ишқади,- Тешик мунчоқ ерда қолмайди, Аҳмадхон, сиз номенклатуранинг кадрисиз, Россияда ўқиб, дунё кўриб келган одамсиз. Агар Академияни ҳам битириб келсангиз, олдингизда биронта тўсиқ қолмайди. Кўтарилишингизга мана биз кафилмиз!

Хуллас, маслаҳат пишди, Каттага тақлид қилиб ҳамма Аҳмадхон деб атайдиган Аҳмаджон Муродович Академияда сиртдан ўқиб келди. Бу орада Чакнар туманида ҳокимлик бош мутахассиси бўлиб ишлади, тажриба орттирди. Академияда у анови машҳур шоир билан, қизғалдоқлар, ялпизлар ва отлар ҳақида ёзадиган, кўпчилик шеърлари қўшиқ бўлган эркатой шоир билан бирга ўқиди. Сиёсат экан-да, бечора Шоирниям ўқишга мажбур қилишди-я! Институтда беш йил азоб чеккани етмасмиди унинг! Худо берган таланти бор, шеърини ёзиб юраверади-да, амалу мансабингни бошига урадимиз у?! Шоир халқи бир дарвешнамо тоифадан бўлар экан, Аҳмадхон ўқиш даврида бунга амин бўлди. Кўп шоиру ёзувчиларни кўрди, айрим ёши каттароқлари шу даргоҳда сабоқ беришарди тингловчиларга. Барчасидаям «бир қамчи бор» эди уларнинг! Сурхондарёми, Қашқадарёми томонлардан келган биттаси маъруза ўқиётганида ҳам тамаки тутатарди. Ишқилиб, бир ғалати одамларда булар. Аҳмадхон уларнинг биттаси, негрларга ўхшаб жингалак сочини хурпайтириб юрадигани билан жўра бўлиб олганди. У ҳам шоирми, адабиётшуносни, хуллас, бир бало эди. Аҳмадхон диплом ишини Форобийдан ёзган, унинг «Фозил одамлар шаҳри» асарини синчиклаб таҳлил қилган, айрим тушунмаган жойларини ўша

ошнасида сўраб оларди. У бечора жўжабирдай жон экан, уч боласи ва аёли билан ижарада турар, топгани ўзидан ортмасди. Аҳмадхон баъзи-баъзида уни едириб-ичиар, ўзига сездирмай чўнтагигаям бир нарсалар тикиб юборарди. Эртасига кўрибсизки, камбағал жингалаксоч унинг атрофида парвона!

Нима бўлгандаям, Катта ўз сўзида турди, ўқишни бителиб келган Аҳмадхонни Чакнар шаҳарчасига ҳоким қилиб юборди. Гарчи кичикроқ шаҳарча ҳокими бўлса-да, туман ҳокимига бўйсунса-да, ҳарқалай, ҳоким деган номи бор. Ҳозирча шунисигаям шукур қилади у. Бу ер ҳам ғалванинг уяси экан ўзи: туман ҳокими ҳали ёшгина йигит, бир умр от устида – савдо бошқармасида раис, нефт базасида бошлиқ, қорамолчилик совхозида директор бўлиб ишлаган уч нафар қориндор акалар зимдан туманни бошқаришарди. Оддий халқ «Катта учлик» деб атайдиган бу валломатлар маърака-мавридда гоҳ-гоҳ кўриниб қолишар, бошқа пайт аллақайси хилватларда писиб ётиб, кўзга кўринмас ипларни тортиб қўйишар ва оқибатда тумандаги катта ташкилотлар раҳбарлари таркибида кутилмаган ўзгаришлар рўй берарди. Бир сўзли, халққа қайишадиган, туман ҳокимига сўзсиз итоат этадиган раҳбарлар «Катта учлик»нинг ғазабига учрар, уларнинг ноғорасига ўйнайдиганлар эса униб-ўсарди. «Уч оғайни ботирлар» якшанба кунлари деҳқон бозорида бирров учрашиб, нақ бозор марказидаги кўҳна чойхонадаги сўрида ярим ёнбошлашганча отамлашишар, гап орасида ўнлаб одамларнинг қисматини ҳал қилишарди. Бозор-ўчар учун келган оддий халқ уларга қуллуқ қилиб ўтар, акаларга зипиллаганча чой ва егулик ташиётган айрим ташкилот раҳбарлари ва бозорқўм раисига кинояли кулиб қўярди.

Аҳмадхон бир йил давомида аҳволни ўрганди, разведка қилди ва ниҳоят, бу заминда катта ўзгариш қилиш лозимлигини англаб етди. Йўқ, гап халқнинг қийналаётганида эмас, халқ ўз кунини кўриб келган, бундан сўнг ҳам кўраверади. Агар бир умр қорамоллар орасида юрган, одамларни ҳам бир молдай кўрадиган Довулбеков гўштнинг нархини икки бараварга оширса, халқ оғилидаги молини

сўйиб ейди. Мободо умри давомида фақат қизилу қора икра еб юрган Мавлонзода картошканинг баҳосини осмонга чиқарса, халқ шолғом экади. Бордию енгил машиналари сонини ўзиям аниқ билмайдиган Шамолбоев бензинни қаҳат қилса, халқ велосипед минади. Йўқ, халққа балоям урмайди, бу халқ дегани яшовчан бўлади, ҳар қандай шароитдаям бир йўлини қилади. Гап унинг, Аҳмадхоннинг ўзида, унинг эртанги кунида. У эрта-бир кун бу туманга ҳоким бўлади, лекин манови ҳокимга ўхшаб кимларнингдир кўлида кўғирчоқ бўлмоқчи эмас у! Шунинг учун ҳозирдан отни қамчилаш керак, «Катта учлик»нинг норасмий ҳукмронлигига чек қўйиш лозим. У русларнинг «Муҳаббат ва сиёсатда ҳар қандай восита ўзини оқлайди» деган нақлини ҳали унутгани йўқ. Вақт қурғур шамолдай ўтяпти, иссиғида ғанимларини йўқ қилмаса, эртага улар тинчлик беришмайди.

Хайриятки, Устоз бор экан, гоҳ тушига кириб, баъзан эса панасткам жойларда турли қиёфаларда унга рўпара келиб, муҳим ҳаётий сабоқларни бериб туради. Аҳмадхон эса унинг айтганларини қулоқ қоқмай бажаришга ўрганиб қолди, чунки, Устоз ҳеч қачон хато қилмайди! Ахир, шу пайтга қадар унинг башоратлари тўла амалга ошди-да, бундан ортиқ исбот кимга керак!? Қолаверса, унинг кўнглини кўтарган, ўзига бўлган ишончини ҳазор бора оширган тағин бир воқеа содир бўлдики, буни энди нур устига нур десаям бўлади: номи ошкор қилинмайдиган идорага мансуб икки йигит уни излаб келишди. Ҳол-аҳвол сўрашди, бирон ёрдам лозим бўлса тайёр эканликларини билдиришди, бир пайтлардаги ўрис болаларни, улар билан боғланган аҳду паймонни ҳам гап орасига қистириш ўтишди. Аҳмадхон бундан терисига сиғмай севинган бўлса ҳам, ичидагини сиртига чиқармади, ахир, энди у бир пайтлардаги нўноқ талаба бола эмас, шаҳар ҳокими! Йигитлар ҳам жуда одобли, муомалани жойига қўядиган, қўллари кўкракдан тушмайдиган сертавозе болалар экан. Унга «ҳоким бува» деб мурожаат қилишгани Аҳмадхонга сариёғдай ёқса ҳам ўзини сипо тутди, қалин кўзойнак остидан уларга синчиклаб тикилди, сўнг қатъий қилиб деди:

-Бўпти, сизларни тушундим. Қоғоз-қалам қилиб юришга ҳожат йўқ, мени лубой пайти топишларинг мумкин. Тем боле, мен бу юртда ҳали узо-оқ ишламоқчиман. Хабарлашамиз.

Шунга келишишди, йигитлар бир зумда ғойиб бўлишди. Кечки пайт, эл оёғи тинган маҳал эди, уларнинг келиб-кетишганини ҳеч зоғ сезмади...

«Катта учлик»нинг ҳар бир аъзоси билан алоҳида пачакилашиб ўтиришни ўзига эп кўрмаган Аҳмадхон уларни бир зарб билан кунпаякун қилиш режасини туза бошлади. Қарангки, тасодифнинг ўзи унинг ишини ўнглади. Шўро даврида анчайин исёнкор, тузумга қарши шеърлари билан эл оғзига тушган маҳаллий шоир Юнус Жўра кўп қатори елиб-югуриб, фермер бўлиб олгач, айний бошлади: у ер-бу ерга ёзиб, қўшни фермерларни ёмонотлиққа чиқарди, уларнинг ерлариниям ўзига қўшиб олди. Иккита енгил машинага қаноат қилмай, ҳайбатидан от ҳуркадиган хорижий машина харид қилди, икки қаватли данғиллама иморат курди. Буларнинг барига тишини-тишига босиб чидаб юрган туман ҳокими Сойипов, ниҳоят, маҳмадона шоирнинг сўнгги пайтларда чиқарган қилиқларини кўриб, ғазаб отига минди. Шоир энди гоҳ нефт омбори мудирига, гоҳ солиқ идораси раҳбарига пўписа қилиб, пул ундира бошлади. «Фалон куни фалон жойда мана бундай қилгансан, Пистончидан мана бунча пора олгансан, барини ёзиб қўйганман, агар фалон минг «кўки»дан бермасанг, тухмингни куритаман» қабилидаги товламачиликлар билан уч-тўртта маҳаллий раҳбарларни юрак ўйноғига дучор этган Юнус Жўра тобора ҳаддидан ошиб борарди. Унинг томошаларидан безган ҳоким Аҳмадхонни ҳузурига чақиртирди.

-Ака, сиз кўп йиллик раҳбарсиз, юртнинг паст-баландини яхши биласиз, қолаверса, анови шоир сизнинг маҳаллангизда туради. Бир иш қилсак: сиз уни олдингизга чақириб, ётиғи билан насиҳат қилиб кўринг. Айтингки, кўп ҳаддидан ошмасин, ҳокимият биноси олдига чодир куриб, «Йўқолсин Фалончи!» деган шиорлар осиб, халқни исёнга чорлашни йиғиштирайсиз. Агар истасак, унга чора кўришимиз

мумкин, лекин бир талантли одам бекорга жувонмарг бўлиб кетади. Аҳмадхон ака, биз сизга ишонамиз, сиз дипломатияни қотирасиз, шу ишни тинчитиб беринг.

Аҳмадхон бундай қулай фурсатни қўлдан чиқариш ғирт тентаклик бўлишини яхши англарди, шу боис дарҳол қуллуқ қилди:

-Албатта, Нурмат Сойипович, мен у занғарни яхши биламан, кейинги пайтларда жуда қуюшқондан чикди. Тўғри, ерлари қишлоқда бўлсаям ўзи шаҳарда, как раз бизнинг маҳаллада туради. Хотиржам бўлинг, чақиртириб, яхшилаб гаплашаман.

Бир ҳафта ичида «Катта учлик»ка доир етарли маълумот тўплагач, Аҳмадхон Юнус Жўраникига ўзи кириб борди. Кечки пайт, қуюқ қоронғилик ичра қалин папка кўтариб кириб келган шаҳар ҳокимини кўрган шоир анқайиб қолди, сўнг бироз ўзини ўнглагач, ҳамишаги истехзоли табассумини юзига илди.

-Эби, ҳоким бова, ўзларими? Қани, қайси шамоллар учирди?

-Дўстлик, ҳамкорлик ва аҳиллик шамоли, -деди Аҳмадхон унга дадил қўл узатаркан, -ичкарига кирамизми ё остонада гаплашаверамизми?

Шоир ҳар қанча писмиқ ва сурбет бўлса-да, барибир ўзбек эди, сут ва қон билан кирган ўзбекчиликни ҳали унутмаганди, шу боис чечак излари билиниб турган қорамтир афтини бироз бужмайтириб, такаллуф билан четланди. Меҳмон чаққонлик билан дарвозадан киргач, мезбон ҳам ҳаялламай уни ичкаридан бекитди. Иккинчи қаватга, болохонали, ясатиғлик уйга киришди. Дуойи фотиҳадан сўнг шоир ичкарига қараб овоз берди:

-Ўв, чой!

Ҳаял ўтмай йигирма саккиз-ўттиз ёшлардаги жувон дастурхон ва чой олиб кирди, мезбон унга бироз зардали товушда буюрди:

-Келин, овқатгаям қаранглар, Маннонга айт, укасини олиб, кунжарани омборга киритсин. Боравер.

Жувон сассиз юриб чиқиб кетди, шоир меҳмонга қараб тағин тиржайди:

-Икки мошин ем жўнатибди бир ошнамиз...

Аҳмадхон унинг «ошнаси» кимлигиниям, кунжаранинг қандай ундирилганиниям яхши биларди, аммо ҳозир суриштирадиган пайт эмасди, шунинг учун гапни қисқа қилишга қарор берди.

-Юнусбой, вақт зикроқ, шунинг учун кабинетга чақиртириб ўтирмай, олдингизга ўзим келдим. Ҳарқалай, бир маҳаллада яшаймиз, бегона эмасмиз. Қилаётган ишларингизни, умуман, барча фаолиятингизни кузатиб боряпман. Уларни юз фоз оқлаш ёки қоралаш ниятим йўқ, қандай яшашни ҳар кимнинг ўзи билади. Китобларингизни ўқиганман, зўр шеърларингиз бор, тан бераман. Лекин, ҳозир замона бошқа...

-Замонага нима бўпти?! -унинг гапини кесди мезбон, -Замона жойида турибди, замона зўрниги бўлди ҳозир. Нима, мен бошқалардан камманми? Бошқалар миллион-миллион пора олсин, қўша-қўша мошин минсин, учталаб хотин қилсин, мен нима, кўрманми, карманми ё шолманми?! Сизни ўзи ким юборди, ўша ҳокимчами?!

Аҳмадхон уй эгасининг чўтир юзига, чақчайган кўзларига, гўштдор бурнию солинчиғи осилиб турган шапалоқдай жундор кулоқларига бир қур қараб чиқди, сўнг худди унинг ўзига ўхшатиб кинояли илжайди:

-Ҳеч ким юборгани йўқ мени, ўз ихтиёрим билан келдим. Намунча қарилламасанг, ука, нима, худомисан ё пайғамбарми!? Сенам кўп қатори бир оддий одамсан, фақат шантажчисан, холос. Юмалоқ хат ёзиш энди асосий ижодинг бўлиб қолган.

Меҳмондан бунчалик безбетликни, сурлик ва андишасизликни кутмаган шоирнинг ранги бўзара бошлади, қўллари мушт бўлиб тугилди. Илк зарбадаёқ унинг иродасини синдирганини англаган меҳмон бирдан жиддий тортиб, овозини пастлади:

-Ўзингни бос, кулоқ сол. Балки сен айтган ҳокимчаю беш-ўнта раҳбарчаларнинг шилтаси бордир ортида, эҳтимол улар сендан ҳайиқишар, лекин мен эмас. Аксинча, сен мен билан ўйлаброқ гаплашишинг лозим, чунки мен сенинг ошкора қилмишларингниям, яширин кирдикорларингниям яхши биламан. Анови озарбайжонлик давлат арбобини мақтаб ёзган шеърларинг, уларни яшириб қўйиш учун кимларга берганинг, қайси радиостанцияга интервью беришга рози бўлганинг, катта ўғлингни қайси давлатга хуфия ўтказиб юборишни режа қилганинг ҳам менга яхши маълум. Вилоят марказидаги хуфия квартирангда яшайдиган жазманинг қаерда ишлашию беникоҳ туғилган қизинг қайси боқчага қатнашини айтиб берайми? Қўшни давлатдан қайси йўллар орқали героин ўтказганинг, у ҳозир қайси қавакда сақланаётгани ҳам менга аён. Агар хоҳласам, битта телефон қўнғироғи билан сенинг тақдирингни ҳал қиламан. Лекин, мен сенга ёмонлик қилиш учун келганим йўқ. Шундай экан, кўп жирилламай, гапга кулоқ сол.

Хонадон соҳиби қизарди, бўзарди, чақчайди, тиш ғижирлатди ва ниҳоят, алам билан хўрсинди:

-Нима истайсиз мендан..?

Уни бутунлай тор-мор қилган Аҳмадхон режасининг иккинчи қисмига ўтди.

-Биласан, менга ўхшаган раҳбарлару сенга ўхшаган тилига ботир қаламкашлар қанча чиранмайлик, туманнинг тақдирини ҳал қиладиганлар бошқа. Мана бу папкада Мавлонзода, Довулбеков ва Шамолбоевлар ҳақида маълумотлар бор. Ўйлайманки, ўзингдаям унча-мунча ахборот бўлиши керак улар тўғрисида. Демак, келишувимиз шундай: сен уларнинг қилмишларини бутун мамлакатга ошкор қиладиган мақола ёзиб, ўзинг биладиган каналлар орқали уни матбуотда эълон қилдирасан. Марказий матбуотда! Туман газетаси икки пулгаям арзимамайди, кўрқоқ муҳаррир уни ўлақолсаям чоп этмайди. Мақола чиққач, «катта учлик»ни кўпориб ташлаймиз. Тушунасан, бундай портловчи

мақоладан сўнг ҳокимнинг ҳам курсиси қимирлаб қолади. Кейин яна кўраверамиз. Мен тирик бўлсам, шу туманда ишлаб юрсам, сенинг мушугингни биров пишт демайди. Тагин бир гап: унақа митингбозлик, палаткабозлик, шиорбозликни энди йиғиштир, бундай кейин иккимиз фақат зимдан иш кўрамиз. Майли, ундан-бундан солярками, бензинми, кунжарами ундиравер, лекин «кўк» талаб қилишни энди бас қил. Агар режамиз иш берса, долларга кўмиласан ҳали.

Юнус Жўра тагин бир бор уф тортгач, ёйилиб илжайди:

-Гап бу ёқда денг...Бир зарб билан учта китни ўлдириб бўлармикан..?

-Бе, афтидан, сен ўз қаламингнинг кучини яхши билмайсан шекилли. Бир пайтлар ёзган мақолаларинг бор менда, барини асраб қўйганман. Ҳар бир гапингга илон пўст ташлайди-я! Нима қиласан куч-қудратингни, истеъдодингни майда-чуйдаларга сарфлаб! Китларни даф қилсак, иккимизнинг ҳам ошиғимиз олчи бўлади.

Ўша оқшом бетгачопар шоирнинг танобини тортиб, ўз ғалабасидан сархуш ҳолда ишхонасига қайтган Аҳмадхон ҳамон уйига кетмай, уни кутиб ўтирган котибасига кетиш учун рухсат берди. Сарвқомат татар қизи унга норози оҳангда қарагандай бўлди, гилосдай лабларини бироз чўччайтириб, ўн йил бурун оламдан ўтган ароқхўр отаси қайтадан ўлгандай, ўзини ёруғ оламдаги энг шўрпешона қиз санаганча улкан бинони тарк этди.

7.

«Худо берса қулига, чиқариб қўяр йўлига» деб бежизга айтишмаган экан донолар. Ҳа, Аҳмадбек ростдан ҳам худонинг суйган бандаларидан бири экан шекилли. Бўлмаса, шунча бахту омад, мансабу мавқе бир кишига оғирлик қилмайдими, бу

тортиқлар ҳар кимга, тўғри келган қаланғи-қасанғиларга берилавермаслиги кундай равшанку! Бунинг учун у кимдан миннатдор бўлиши керак? Яратган парвардигорданми ё Устозданми?

-Икковидан ҳам...- дея пичирлади у юмшоқ креслога ястанганча кўзларини юмиб ўтираркан. Оёқ-қўлларини узатиб, хузур қилиб керишди, кўзойнагини олиб қўйиб, одатига кўра бош ва кўрсатгич бармоқлари учи билан бироз чарчаган мижжаларини аста артиб қўйди. Сўнг қўнғироқ тугмасини босди. Лаҳза ўтмай эшик очилиб, котиба қизнинг гўзал чехраси кўринди:

-Лаббай, Аҳмадбек ака?

-Тамиллажон, битта кофе...Негадир бош оғрияпти.

-Ҳозир!- котиба эшик ортида ғойиб бўлди. Унинг «Аҳмадбек ака» дейиши йигитга хуш ёқиб, ўзича жилмайиб қўйди. Ҳа, сўнгги бир ой ичида уни кўпчилик шундай деб атай бошлаганига ўзи ҳам аста-секин кўника бошлади. Яқиндагина Чақнарда рўй берган мислсиз томошалар, кескин ўзгаришлар унинг узоқни кўрувчи раҳбар, келажаги порлоқ кадр эканлигини ҳатто ғанимларига ҳам исбот этди. Юнус Жўра сўзининг устидан чиқиб, катта газеталардан бирида чоп эттирган мақола ёз осмонида гумбурлаган момақалдироқдай таъсир этди ҳаммага. Марказдан келган текширувчилару ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари туманни зимдан сўраб ётган учта улкан наҳангни ўраб-чирмаб ташладилар. Давлат ўзининг қанчалик беқиёс кучга эга эканлигини тагин бир бор намоиш этди. Митингбозлигу шиорбозликни йиғиштирган шоир бироз тинчигач, Сойипов эркин нафас олди, у Аҳмадбекдан миннатдор эди. Бироқ, ҳафта-ўн кун ўтмай бояги мақола чикдию барчанинг ороми йўқолди. Буларнинг бари камлик қилгандай, занғар шоир аллақандай чет эл радиосидаям чиқиш қилди. Буни қандай уддалагани, кимлар орқали бу интервьюни ташкил этгани ёлғиз ўзигаю худога аён. Ҳарқалай, Аҳмадбек унинг уддабуронлигига қойил қолди, шу билан бирга ундан бироз

ранжиди ҳам. Чунки, хориж радиосида чиқиш ҳақида у билан келишмаганди, бу нарса туман мавқеига соя ташлаши аниқ. «Катта учлик» маҳв этилгач жиндай қаддини тиклаган Сойиповнинг бошига яна таънаю маломатлар ёғилди, эл орасида унинг ишдан кетиши ҳақидаги миш-мишлар ўрмалай бошлади. Бурни ҳид биладиган айрим маҳаллий раҳбарлар унинг ўрнига келадиган киши деб айнан Аҳмадхонни чамалашди ва уни Аҳмадбек ака деб атай бошлашди.

...Тамилла кофе олиб кирди. Кун ботиш арафаси, соялар узайган пайт. Улкан деразадан тушаётган қизғиш нурлар қизнинг ҳарир мато остида тўлғанаётган офатижон қоматини яққол намойиш этиб турарди. У кофе тўла финжон қўйилган жажжи ликобчани Аҳмадбекнинг олдига оҳиста қўйди, сўнг шундай ҳам тартиб билан териб қўйилган қоғозлар тахламида фақат ўзигина кўра оладиган бир неча нуқсонлар топиб, уларни тўғрилай бошлади. Ёш ва дуркун бадандан таралаётган сеҳрли ҳарорат, таранг сийналарнинг гоҳ-гоҳ беихтиёр хона соҳибининг елкаларию тирсакларига тегиб кетиши, тирсиллаб турган сонларнинг ларзон силкиниб қўйиши йигитнинг тоқатини тоқ этди, унинг оғзи қуруқшаб, боши айлангандек бўлди. Кўзлари юмилиб, қўллари ўзига бўйсунмасдан, жодугар бир жозиба уфураётган қомат сари талпинаётганини ногоҳ англаб қолди. «Тўхта!- деди ичидан бир овоз (вале, бу овоз Устозники эмаслигига унинг ишончи комил эди), -Нима қиляпсан? Шунча ергача соғомон етиб келиб, энди бир суюқоёқ туфайли карьерангни барбод қилмоқчимисан?! Торт қўлингни, ҳайдаб чиқар уни кабинетдан!»

У бирдан ўзининг қаттиқ чарчаганини, шу топда бир ҳамдард суҳбатдошга, бошини силаб овутадиган бир меҳрибон қўлга ниҳоятда муҳтож эканлигини ҳис этди. Ҳа, югур-югур билан умр ўтяпти, мансаб деб, обрў деб, бир пайтлар куйдирмажон бўлган эсада, ҳозирда бир қанор гўштга айланиб, орқаси тандирнинг қорнидай дўппайиб турган анови аёлни деб, ва ниҳоят икки лаллайган ўғилнию тантиқ қизини деб бечора Аҳмадбек бир лаҳза фароғат топмади бу ҳаётда. Ахир, у ҳам тирик жон, у ҳам бир

дақиқага бўлсин, жисмию жонининг ором олишини истайди. Майли, Устоз айтган аёл бўлмаса- бўлмабди-да бу, ҳозирча унинг дарду ғам тўла кўнглини бироз овутсин, алангаю оташ бўлиб ёнаётган жисмини жиндай совутсин, кейин бир гап бўлар. ЎША АЁЛ топилгунча Тамилла, мана шу кўзи сузук қиз, жонўртар қаддини ҳар лаҳза оқ илондай тўлғайдиган ҳурлиқо унинг ҳовурини босиб турса нима қипти, ахир...

-Э-э, бор-ей!- дея қўл силтади у ичидаги қайсар маслаҳатгўйга ва ҳамон ёнгинасида қилпиллаётган қизнинг хипчагина белига қўл узатди. Кафтининг остида нозик таннинг титраб кетганини ҳис этди, шахд билан уни бағрига тортди. Қиз оҳ тортиб унинг оғушига йиқилди, момик билаклар йигитнинг бўйнига ўралди.

-Эшикни ичкаридан қулфлаганман...- дея пичирлади қиз унинг кўнглидаги хавотирни сезгандай. У ич-ичидан жилмайиб, парипайкарни даст кўтарганча кабинетнинг орқа тарафидаги яширин хонага олиб кирди. Лаҳза ўтмай улар бир тану бир жон бўлиб, кенг диванга йиқилишди...

-Хайрият-ей... Ниҳоят...-деди қиз аста орадан ўн беш дақиқача вақт ўтгач.

-Ҳа, нимага бундай деяпсан? -Аҳмадбек чап тирсагига суянганча ётаркан, қизнинг кўпчиб турган кўксини майин силаганча унга бироз ҳайрон бўлиб қаради.

-Энди-и... айтаман-да...Биз ғарибларниям кўзингиз кўрди ахийри...-қиз ширин хомуза тортиб, мириқиб керишди, ёш ва навқирон жуссадан таралган бош айлантирувчи ифор тор хонани бутунлай забт этди. -Билсангиз,шу ерга келганингиздан бери...эътиборингизни кутаман. Мен беш йилча бурун бир...аҳмоқлик қилиб... омонатимдан ажраганман, сезгандирсиз... Ўшандан бери юрагимда эркак зотига нафрат бор эди. Лекин, сиз бу ерга ишга келгач.. сизни кўрганимдан сўнг фикрим ўзгарди...

-Ҳм-м...-деб қўйди Аҳмадбек.

-Онам ёшлигимда ўлиб кетганлар, отам билан қолдим. Ичарди у, ёмон ичарди...Ўн йилча бўлди, арокдан ўлди. Акам билан янгам ёнларига олишди. Билим юртида ўқидим, ўша ерда бир ўқитувчи бошимни айлантириб...

-Фақат йиғлама! –деди Аҳмадбек кескин, -Йиғлаганларни жиним ёқтирмайди.

-Йиғламайман...Эндику умуман йиғламайман!- у эркаланиб яна йигитга суйкалди,-Сиз ташвишланманг, мен... сизга осилиб олиш ниятим йўқ. Кет деган кунингиз кетаман, қайтиб кўрмайсиз мени. Агар ишлаб турсам, онда-сонда бир...қараб қўйсангиз бўлди. Худони ўртага қўйиб қасам ичаманки, бошқа бирон эркакка қайрилиб қарамайман. Агар шундай ҳолни сезсангиз, ўша куни ўлдилинг мени. Ёки буюринг, ўзим ўлдираман ўзимни!

Шунча пайт ёнида юриб, кунда кўриб туриб, бу кизнинг дил дардини сезмагани учун ўзини ич-ичидан қойиб турган йигит унинг тантилигига беш кетиб, юз-кўзларидан меҳр билан ўпди:

-Эсингни ебсан...Нимага ўлар экансан?! Ҳали сен менга кераксан...

...Замона чархи бир айланишни бошласа, тўхтамас экан-да, гумроҳ бандалар кутмаган, ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдиган шиддат билан айланар экан. Бўлмаса Аҳмадбек бугун-эрта содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни ипидан-игнасигача режалаштириб қўйганди. Йўқ, ким нима деса ҳам ўрисларнинг «Человек полагает, но Бог располагает» деган нақли юз фоиз тўғри экан. Ҳа, бандаси минг турли режалар тузса-да, барибир худонинг ҳоҳлагани бўлади, энди Аҳмадбекнинг бунга зиғирчаям шубҳаси қолмади. Аслида финалга, муқаррар тантанага бир қадам қолганди. Атиги бир одимгина! Аҳмадбек уч қари наҳангни анови баттол шоирнинг қўли билан даф этди, туманни уч нафар юҳодан, ебтўймас аждардан халос этди. Энди уларнинг учовиям бор будидан мосуво бўлиб, очилиб қолган кетларини ёнишга бир парча лунги топмай, ин-инларига уриб кетишди. Тўғри, давлат уларни қамагани йўқ, зеро турмада

бекорхўжа нонхўрлар шундоқ ҳам тикилиб ётибди, тагин учта текинхўрни боқиб зарил кептими!? Аксинча, «уч оғайни ботирлар»нинг етти қават пўстигача шилиб олишди, энди учовиям полиздаги кўриқчидай шип-шийдам бўлиб, сўппайиб қолишди. Ким билсин, балки қора кунлар учун асраб, илоннинг инига бекитиб қўйганлари бордир унча-мунча, вале улар энди бир пайтлардаги муртини болта чопмайдиган эррайимлар эмас. Учовиям пилдирпис бўлиб кетди. Хўш, бу кимнинг хизмати, эл-юрт бу учун кимдан миннатдор бўлиши керак? Албатта, Аҳмадбекдан-да! Бу чинакам тарихий хизмат эди, бу учун Аҳмадбекка ҳайкал қўйсаям арзирди. Бу гумроҳлар эса...

Барчаси бир бўлдию Аҳмадбекнинг анови ҳавойи Юнус Жўрани тор-мор қилгани бир томон бўлди. «Катта учлик»нинг норасмий ҳукмронлигига чек қўйилгач, бетгачопар шоир бутунлай ўзидан кетиб, бод тулпорига миниб олди. Энди у ўзини салкам миллий қаҳрамон санарди. Гарчи энди бир пайтлардаги каби ҳокимият биноси олдига чодир тикиб, «Йўқолсин Фалончиев!» деб ёзилган шиорлар осиб юрмаса-да, унинг сурбетлигию очкўзлиги ўн ҳисса ортди. Девор-дармиён қўшни бўлиб яшайдиган амакиларию ака-укаларининг томорқаларигача кўз олайтира бошлади, катта ўғлини ўша ўзи интервью берган хориж радиосига мухбир қилиб ишга жойлаштирди. Энди ғинг деган кишининг оғзига уриб, «Жаҳон матбуотида шармандангни чиқараман!» деб пўписа қилар, ўша режа тузилган оқшомда Аҳмадбекка берган ваъдасини унутиб, тумандаги казо-казолардан ошкора пул ундиришни касбга айлантди. Унинг бу каби хурмача қилиқлари эрта-индин ҳокимлик курсисини эгаллайдиган Аҳмадбекнинг барча режаларини чиппакка чиқариши мумкин эди, у шоирнинг суробини бутунлай тўғрилаб қўядиган пайт келганини англади. Ана шундай кунларнинг, баттол шоирдан қутулишнинг бирор оригиналроқ усулини излаб юрган кунларининг бирида ногоҳон Устоз унга дуч келиб қолди.

Ҳаво дим эди, гарчи офтоб уфққа бош қўйиш арафасида бўлса-да, иссиқнинг дами ҳали қайтмаганди. Аҳмадбек ишхонасидан чиқди, хўжайинни кутишдан зерикиб, бино олдидаги ўтиргичда кроссворд ечиб ўтирган ҳайдовчисига рухсат берди-да, уйи тарафга яёв йўл олди. Одамларнинг кайфиятини билишни истарди у. Майли, бироз пиёда юрса зарар қилмас. Кўча бошидага пиво дўкони олдидан ўтаётиб, нарироқдаги ёғоч курсида ўтирганча лойқа рангли суюқликни эрмак қилиб ўтирган искирт чолга кўзи тушди. Нигоҳлар тўқнашдию йигит унинг кимлигини дарҳол англади.

-Ҳозир...- деди у ва пиво сотаётган ўрта ёшли кишига яқинлашди. Навбатда турганлардан бири, яғири чиққан дўпписини қийшиқ қўндирган, соқоли ўсиқ йигит ўзини енгилгина итариб, олдинга интилаётган Аҳмадбекнинг билагидан ушлади:

-Қаёққа, ўв жўра! Очират бор!

Пивофуруш эса Аҳмадбекни таниб қолди:

-И-и, ҳоким бова, ассалому алайкум! Мана, марҳамат!- у катта кружкада кўпириб турган пивони қўшқўллаб узатди, сўнг бояги йигитга ўқрайиб қаради. Аҳмадбек анқайиб турган навбатсеварга эътибор ҳам бермай, орқага, чолнинг ёнига қайтди.

-Хўш..?- чол унга саволомуз қаради.

-Ҳаммаси жойида...-деди йигит аста хўрсиниб, -барчаси режа бўйича кетяпти.

-Севинишга ҳали эрта. Анови ариллаб-кариллаб юрган шоирни нима қилмоқчисан? Бу кетишда у эрта-индин сени икки пулгаям олмай қўяди.

-Ўзимам шуни ўйлаб юрибман, -дея пиводан хўплади Аҳмадбек,- бу занғар бутунлай қуюшқондан чиқди. Эркинлик, демократия экан деб, худоданам, қонунданам қўрқмай қўйди. Одамларгаям ҳайронман-да, бер деса, бор пулини икки қўллаб тутқазади.

-Орқаси тоза эмас-да, шилтаси бор киши шантажчидан қўрқади, - чол пихиллаб кулди, -майли, сен ташвиш қилма, мен эрта-индин чаққонроқ шогирдларимдан бир-иккитасини юбораман, унинг жанозасини ўқиб кетади. Энди гап бундай: ҳал қилувчи жанг яқинлашяпти, хато қила кўрма!

-Хўп, Устоз...Анови, сиз айтган аёл масаласи...Ворис туғиб берадиган...- унинг кўз ўнгида Тамилланинг офатижон қомати пайдо бўлиб, беихтиёр ютиниб қўйди.

-Ҳа, ҳалиям топмадингми уни? Ғам ема, унинг ўзи дуч келади бир куни сенга. Балки аллақачон дуч келгандиру сен анқайиб ўтказиб юборгандирсан?- Устоз айёрона тиржайди.

-Билмадим...-Аҳмадбек чайналди. Шууридан эса яшин тезлигида «Ишқилиб, Устоз Тамилла билан дон олишиб юрганимни сезиб қолмасин-да» деган фикр ўтди. Чол тирноқлари остига кир тўпланган бармоқлари билан пиво кружкасини тикиллатиб, тамаки сарғайтирган сўйлоқ тишларини кўз-кўзлаганча эснади, сўнг эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда буюрди:

-Бўлди, бор энди. Кап-катта одам, шаҳар ҳокими бир дайди чол билан отамлашиб ўтирганини одамлар сезиб қолишса...

-Биз раҳбарлар ҳамиша оддий халқ билан биргамиз, -дея кулимсиради йигит пивони бир симиришда тугатаркан.

-Оббо, мана сизга демократия! Бўпти, бор энди. Гапларимни унутма, ҳушёр бўл.

Аҳмадбек пиво идишини чолнинг ёнага қўйиб, папкасини қўлтиқлаганча уйи тарафга жўнади. Ўн қадамча юргач ўгирилиб қаради: чол аллақачон ғойиб бўлган, унинг ўрнида бояги тартибсевар йигит пиво симириб ўтирарди.

Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас Юнус Жўранинг мухбир ўғли бир ўрис қизни зўрлаганликда айбланиб, ўзи эса қорадори билан қўлга тушиб, ота-бола изма-из қамалиб кетишди.

Устозку лабзида турди, Аҳмадбекнинг келгуси ҳаётига, кўтарилишига соя ташлаши мумкин бўлган муқаррар хавфни орадан кўтариб ташлади. Лекин, таассуфки, унинг огоҳлантиришига қарамай, ҳал қилувчи жанг олдидан Аҳмадбек барибир хатога йўл қўйди. Одам боласи -хом сут эмган банда, у табиатан хато қилишга мойилроқ бўлар экан...

8.

Сойиповнинг курсиси қимирлаб, ана кетди-мана кетди бўлиб юрган кунларнинг бирида Аҳмадбекнинг «Қишлоқхўжаликкимё»да омбор мудури бўлиб ишлайдиган катта ўғли Жамшид бир жанжалли масалага ўралашиб қолди. Одатда фермерларга лимитдагидан камроқ кимёвий ўғит бериб, қолганини четга имижимида пуллайдиган, фойдани раҳбари билан баҳам кўрадиган Жамшидбой сўнгги пайтларда бироз ҳаддини унутиб қўйди. Натижада унга ва отасига зимдан тиш қайраб юрган ғанимлар маккорона режа туздилар: унинг четдан келган «харидорлар» билан хуфёна савдосини яширин видеокамера билан суратга туширишиб, керакли идораларга етказишди. Шундан сўнг нақ қиёмат кўпди: Аҳмадбек ишни босди-босди қилиш учун елди-югурди, керак одамларни кўрди, сўраганларини берди ва охири ўғлини нақд турмадан олиб қолди. Табиийки, тешик кулоқ эшитади, бу гаплар элга овоза бўлди. «Катта учлик» ва шоирдан зўрға қутулган Аҳмадбек бу балоларни даф этгунча алами олти, қадами етти бўлди. Ва шунинг баробарида келгусидаги порлоқ режалари саробга айланганини тан олишдан бошқа иложи қолмади.

Ёғлиққина ишидан ажралган, мўмайгина жарима тўлаган, пешонасига «судланган» деган машъум тамға босилган ўғил уйга камалиб олди, аммо бечора ота нима қилсин? У ҳамишагидай ишига бориб-келишга мажбур эди. Назарида гўё кўчада одамлар унга бармоғини бигиз қилиб бир-бирига кўрсатаётгандек, «Ана,

порахўр ўғлини пора бериб, қамоқдан сақлаб қолган каззоб!» деб пичирлашаётгандек бўларди. Ўлганнинг устига тепган қилиб, анови куни Тамилланинг қиёфасига кириб олган Устоз ҳам уни бўралатиб сўкди. Эл-юрт кўрмаслиги учун эрта саҳардан ишга келган Аҳмадбек кабинети тўрида ялпайиб ўтирган қизни кўриб, миясига қон тепди.

-Сен бу ерда...

-Ўтир! -дея гулдиради ҳукмфармо овоз ва шу ондаёқ Аҳмадбекнинг оёғидан дармон кетиб, эшик ёнидаги қатор курсилардан бирига шилқ этиб тушди.

-Устоз-з...

-Ўчир овозингни, эшшакмия! –Устоз бир лаҳза ўз асл қиёфасига кириб, унга ваҳшат билан порлаётган, аланга сачраётган кўзларини ўқдай қадади ва тагин сулув қизга айланди,-Мен сенга нима дегандим?! Нималар дегандим сен ярамасга!? Ниҳоятда эҳтиёт бўлиш ҳақида огоҳлантирмаганмидим? Хўш, нима бўлди оқибати? Эссиз шунча йиллик тоату ибодат, ҳайф сен ношудга берган таълимларим! Ўз пуштикамарингдан бўлган бир бедавони тарбия қилолмадингми? Етти маҳалла наридаги нарсанинг ҳидини сезадиган одам, наҳотки бурнинг тагида етилиб келаётган хавфни пайқамадинг?! Ундан кўра ўша очофатни уйга қамаб боқсанг бўлмасмиди, лапашанг!

Устоз гоҳ вишиллаб, гоҳ пичирлаб, тагин узоқ гапирди, Аҳмадбекнинг кўз ўнгидан эса бутун ҳаёти кино лентасидай липиллаб ўтарди. Қийинчиликларга тўла болалиги, талабалик йиллари, баъзан кимнидир алдаб, гоҳ аллакимларни товлаб, мисқоллаб йиққан обрў-эътибори, келажак режаларини тузиб, кўз юммай оттирган тонглари...

Унинг кўзларига ғилтиллаб ёш қуйилди. Унча-мунчага дийдасига нам келмайдиган одам, димоғини ачиштираётган иссиқ ва шўртаъм ашкни сидирмоқ учун кўзойнагини ечди.

-Бас қил кўзингдан сийишни!- амр қилди Устоз босиқ, аммо қатъий овозда, -Бўлар иш бўлди, энди эртанинг ғамини ейиш керак. Бугуноқ ишдан бўшаш ҳақида ариза ёз. «Соғлигим ёмонлашгани боис раҳбарлик лавозимларида ишлай олмайман, жиддий даволанишим керак» деб ёз. Аслида ҳам шундайку, тўғрими? Қон босиминг ўйнаб туради, яхшилаб даволанмасанг бўлмайди.

Ва шу ондаёқ умрида дард нималигини билмаган Аҳмадбекнинг энса томирлари қаттиқ тортишиб, боши лўқиллай бошлади.

-Тўғ... тўғри, Устоз, даволанишим керак, асаблар чарчаган...

-Баракалла, ахир, одам деган соғлигиниям ўйлаши керак-да. Соғлик биринчи ўринда туради,- дея меҳрибонсиради Устоз, -хўш, демак, ариза ёзасан. Ўғлингнинг қилган бу номаъқулчилигидан сўнг ҳокимликка номзодинг қўйилмаслиги аниқ. Бордию қўйилган тақдирда ҳам ютқазининг кундай равшан. «Туман ҳокимлигига номзоди қўйилибди, лекин ўтолмабди» деган маломатдан кўра, «Бечора, шунча йил жонини жабборга бериб ишлади, дардниям писанд қилмади, охири йиқилибди-да» деган эътироф минг марта тузук. Даволаниб бўлгач, бирон оддийроқ, масъулияти камроқ ишга жойлаш. Кўп ғуссага ботма, ҳали жанг тугагани йўқ. Бу жанг қиёматгача давом этади! Мен сени ташлаб қўймайман!

Устоз ўрнидан туриб, тагин ўз қиёфасига кирди, унинг суврати гўё саробдай жимирлаб, хиралаша бошлади. У бутунлай кўздан йўқолиш арафасида Аҳмадбекнинг қулоғига охирги сўзлар элас-элас етиб келди:

-Энди бутун умид ўғлингдан...

Ўша пайтда йигит бу ғалати гапга унча эътибор бермади, аслида эътибор берадиган ҳолатда ҳам эмасди. Дарди-дунёси қоронғи эди, келажак кўзига ғоят хира ва қўрқинчли кўринаётганди.

У ариза ёзди. Раҳбарлар ҳам иримига бўлса-да, «Кетманг, номзодингиз қўйилган» дейишмади. Демак, Устознинг башорати тўғри чиқди. Ўн беш кунча даволангач, тумандаги тўқув

фабрикасига муҳандис бўлиб ишга кирди. Ниҳоят, ўз мутахассислиги бўйича ишлайдиган кунга етишди у! Ахир, эсини танигандан бери раҳбарлик лавозимларида эди-да. Бу орада Сойилов кетиб, ўрнига вилоятда ишлайдиган бир йигитни келтириб қўйишди. Аҳмадбекни эса одамлар энди шунчаки «Қулаҳмад ака» деб атайдиган бўлишди. Фақатгина Тамилла учун у ҳамон «Аҳмадбек ака» эди. У билан бир кунда ариза ёзиб ишдан кетган татар қизи туман четидаги «дом»лардан бирида ёлғиз яшар, ўз вақтида Қулаҳмад шаҳар ҳокимлигидан яроқсизга чиқариб берган компьютерда унинг-бунинг ёзганларини кўчириб бериб тирикчилик қилар, етмаганига Қулаҳмад қарашиб турарди. Қиз мард экан, гапида турди: у яшайдиган кўп қаватли уй шундоққина фабрика ёнида жойлашгани боис кимникига ким келиб, ким кетиши кўпчиликка аён эди. Аммо, олти ойдан бери шу ерда ишлаётган Қулаҳмад қиз тўғрисида бирор ножўя гап эшитмади. У баъзан эл кўзини шамғалат қилиб, қизникига бориб турар, у билан бирор соат айш қилгач, шарпадай чиқиб кетарди. Қизнинг уч хонали уйи ҳамиша тоза-озода, саронжом-саришта эди. Тамилла бежирим кийимлар тикар, овқатлари доимо лаззатли ва хушхўр, нигоҳлари самимий ва беғараз эди.

-Мени табрикланг, Аҳмадбек ака... -деди Тамилла навбатдаги учрашувларидан бирида эркаланиб, унинг бўйнига осиларкан.

-Нима муносабат билан? -йигит унинг белидан қучиб, қувончдан порлаб турган кўзларига тикилди.

-Меҳмон кутяпман...-қиз ерга қаради.

-Қанақа меҳмон?

-Янги меҳмон...-қиз шундай деб, унинг чап қўлини белидан оҳиста бўшатиб, қорни устига қўйди. Қулаҳмаднинг юраги орқасига тортиб кетди.

-Қўрқманг, -деди қиз унинг чўчиганини сезиб, -айтувдимку, сизга осилиб олмайман деб. Ўша гапим –гап. Мен ўз кунимни ўзим кўра

оламан, қолаверса, акам бор. Фақат... сиз билиб қўйинг дегандим. Бу сизнинг ўғлингиз!

-Ўғил бўладими, қизми, қаердан биласан ҳозирдан? -қизнинг гапларидан сўнг ўзини бироз босиб олган Қулахмад ўлганнинг кунидан тиржайди.

-Биламан-да...

Ўша оқшом Қулахмад қизнинг уйида қолди. Хотинига қўнғироқ қилиб, вилоятга, семинарга кетаётганини айтди-да, Тамилланинг оғушига шўнғиди. Васл оқшоми сирли ва сеҳрли эди, улар гўё илк бор учрашишгандек, бир-бирларига тўйишмасди...

Тамилланинг юраги сезган экан, у ўғил кўрди. Гарчи Қулахмад бу ёруғ оламда тагин бир зурриёди борлигидан ора-сира севиниб қўйса ҳам, бир пайтлар Устоз айтган аёлни, ўзига чинакам ворис ҳадя этадиган ўша сирли аёлни ҳамон учратмаганига ўкинади. «Майли, ҳали элликка ҳам кирганим йўқ, балки бугун-эрта дуч келар у...» деган илинж кўнгли тубида йилтираб қолган лаҳзаларда у чор-атрофга қалин кўзойнаги ортидан синчиклаб тикилар, кўча-кўйда дуч келадиган ва ёки фабрикада ишлайдиган қиз-жувонларга умидвор термуларди.

Наврўз арафасида, навбатдаги якшанбалардан бирида у Тамиллани каттиқ соғиганини ҳис этди. Гарчи иши кўплигини баҳона қилса-да, аслида ич-ичидан у қизнинг кутилмаганда лўлилик қилиб қолишидан, кўпчилик ичида «Керак бўлса, итваччангни боқиб ол!» деб аюҳаннос солишидан чўчиб, сўнгги пайтларда уникидан қадам узганига афсус чекаётганди. Кутилмаганда чақирилган йиғилишни баҳона қилиб уйдан чиқди-да, шаҳарча марказидаги бозор сари юрди. Харид қилган у-бу тансиқ нарсаларини елим халтачага солди, бурилиб кетаётиб нарироқдаги толлар тагида қатор бўлиб ўтириб чуғурлашаётган лўлиларга кўзи тушди. Умри бино бўлиб ирим-сиримлару фолга ишонмаган Қулахмаднинг дилида ғалати ҳиссиёт уйғонди. Ўзи амалдан кетгандан буён қорасини кўрсатмаётган Устоз энди унга чалкаш бир тушдай туюлаётганди

.Рост-да, ер юзида Устозга ўхшаш жонзод нима қилсин, агар у чиндан ҳам мавжуд бўлса, унда осмонда, худонинг даргоҳига яқинроқ бир жойда бўлиши керак. Демак, унга шу пайтгача дуч келган, тушига кирган махлуқ ё шунчаки қорахаёл ва ёки у руҳий касал! У мана шу кунга қадар фақат ва фақат мансаб деб, ҳукмроник деб яшади, болалигидаги камситишлардан захм еган шуурида жамиятга, одамларга қарши нафрат туғилди, энди эса онгу тафаккури бу дарддан бир қадар фориғ бўлиб, атрофга реал назар билан қараяпти. Кел, бу ҳам бир эрмак-да, фол очириш айб ҳам, жинойат ҳам эмаску!

У олдинроқда ўтирган ёшгина лўли қизнинг олдида аста чўнқайди, алланималарни тинмай чулдираётган қиз чаққонлик билан унинг чап кўлини ушлаб, кафтини очди. Бирпас тикилиб турди, сўнг аста бошини кўтариб, кўл эгасининг кўзойнак ортидан гўё бутун оламини мазах қилаётгандек тиржайиб боқаётган кўзларига қаради. Қизнинг нигоҳида даҳшат ифодаси зоҳир эди. У шахд билан ўрнидан туриб, ўзини одамлар орасига урди. Нарироқ бориб, газли сув сотиладиган дўкон панасига ўтди ва ортига тагин бир бор ўгирилиб, нима қиларини билмай турган Қулаҳмадга қўрқув тўла назарини тикди.

-Бу қиз соғ эмас шекилли...-ғўлдиради йигит ўзича, -нақд пулдан қочган лўлини энди кўришим.

У қизга хаёлан кўл силтаб, беш-олти қадам нарида ўтириб жавраётган қари, сариқ сочли лўли аёлнинг рўпарасига бориб ўтирди. Чўнтагидан пул чиқариб, унинг олдида ташлади.

-Погадай-ка мне, старая...-деди у аста.

-Эбе, немага ўрисчалаёпсез, акамулло, ўзбекча гапиринг охе! - тўнғиллади кекса лўли ва йигитнинг кафтига тикилди. Ва беш дақиқа олдинги сахна такрорланди: кампирнинг кўкимтир кўзлари олайди, ясама хол излари буришиб турган юз терилари пир-пир уча бошлади. Фақат, тура солиб қочишга унинг ҳоли йўқ эди, бунинг ўрнига у ваҳима билан пичирлади:

-Эбе ман ўлай! Кимсез ўзи?!

-Одамман, - деди Қулаҳмад ҳайрон бўлиб.

-Бундойчигин одам бўлмайде...Ўлмайдигон одам бўлмайде дунёга... Вой хедожон, ўлмайдигон одам!

-Бугун лўлилар ақлдан озадиган кун экан ўзи... -деди бу воқеаларни ақлига сиғдиролмаган Қулаҳмад ўз-ўзига ва аста ўрнидан туриб, ҳамон унга ваҳима аралаш тикилганча ёнидаги бақалоқ лўлига ўз тилида алланималарни пичирлаётган кампирнинг олдида ётган пулни олиб, чўнтагига тикди.

Истироҳат боғини кесиб ўтиб, кўп қаватли уйларга яқинлашаркан, кўнгли орзиқиб, юраги дукуллаётганини ҳис этди. Ҳа, у ўша вафодор ва бир сўзли қизни, йўқ, ўша садоқатли аёлни соғинибди. Рост-да, энди у чинакам аёл, ахир, унинг фарзанди бор энди. Бир куни келиб Жозиба кундоши борлигини, икки ўғли ва қизи эса жажжи укалари борлигини барибир билиб олишади. Ундан кўра ўзи айтгани маъқул. Майли, раиснинг қизи беш-ўн кун қовоқ-тумшук қилар, сўнг кўникади. Отаси аллақачон ўлиб кетган, Қулаҳмадга пўписа қиладиган ғамхўри йўқ энди унинг. Устоз айтган аёл учрамади, майли, на илож...У энди умрини шу икки, йўқ, уч ўғлигаю биргина қизига бағишлайди. Шу пайтгача йиққан-тергани ҳам анчагача етади, қолаверса, акасининг номига хатлатиб қўйган фермер хўжалиги бор. Хотинига ҳам раис бовадан унча-мунча бисот қолган, ишқилиб, бир кунлари ўтар.

Тамилла яшайдиган учинчи қаватдаги эшик кўнғироғини босаркан, боягина йўлда ўзи Устоз деб атайдиган жонзотни тагин дилидан ўтказганини, уни ҳалиям худди тирик жондек, ҳаётда мавжуд бир нарсдек тасаввуур этганини эслаб, хаёлан кулимсираб қўйди. «Тамом, энди бекорчи хаёлларни йиғиштир, жўра! Устоз эмиш..! Вос-вос бўлиб қолма тагин! Ана, реал ҳаёт эшик ортида!» дея буюрди ҳамон келажакдан хомтама бўлиб юрган, ҳукмронлик даъвосидан ҳануз кечолмаётган телба кўнглига. Ва шу он эшик очилиб, оналик бахтидан масрур аёлнинг сулув чехраси кўринди.

-Вой, Аҳмадбек ака, ассалому алайкум...Хуш келибсиз, қани, кирақолинг тезроқ, -аёл четланаркан, бахтдан ял-ял ёнган юзлари тағин-да алвонланди. Аҳмадбек остона ҳатлади, димоғига пиёздоғ ҳиди урилгандек бўлди.

-Ошми? -сўради у Тамиллани оҳиста бағрига тортаркан.

-Албатта, бугун якшанба-да. Ўзи кўнглим сезиб турувди эрталабдан... -аёл унинг юзидан аста ўпиб, қўлидагиларга ишора қилди, -нима қилардингиз овора бўлиб, уйда ҳамма нарсаси бор эди.

-Олиб қўявер, байрам совғаси бу сизларга. Наврўз муборак бўлсин, -Қулаҳмад елимхалтани узатди.

-Вой раҳмат, сизга кутлуғ бўлсин. Қани, юрақолинг, ҳозир ошни тезлатаман,- аёл уни ичкарига бошлади. Катта хонанинг ўртасида стол ва ўтирғичлар, бир четда эса жажжи каравотча турарди. Тамилла чаққон бориб, чақалоқни қўлига олди.

-Қани, Юсуфбек, даданга бир салом бер-чи, ўғлим, - у гўдак тилида чулдираб, эркаланиб, енгил таъзим қилди, -ашшаём, дадажон, ашшаём!

Гўдак қовоғини очмай, Қулаҳмад томонга қўлчасини чўзди. Йигитнинг кўнгли орзиқиб, беихтиёр олдинга юрди, чақалоқнинг чеҳрасига диққат билан тикилди ва ногоҳ бир пайтлар отасининг ҳазил аралаш айтган гапи ёдига тушди: «Сираям хижолат бўлма, болам, сен ўзи кўзойнак билан туғилгансан асли». Қулаҳмаднинг жисму жонига титроқ кирди, култ этиб ютинди ва гўдакни қўлига олди. Ундан бошни айлантирадиган бир ифор ва шу билан бирга аллақандай сескантирувчи ҳид тараларди. Болақайнинг икки кўзи атрофини ўраб олган ғалати оқиш чизиқлар чаккаларидан кулоқлар ортига чўзилган бўлиб, уларда кўзойнак шакли яққол билиниб турарди. Қулаҳмаднинг шуурию кўнглида пўртана қўпгандек бўлди, у ўғилчаси юлқиб туширган кўзойнагининг оёқ остида ётганига ҳам парво қилмас, гўдакни бағрига маҳкам босганча тинимсиз пичирлар, кўзларидан дувиллаб ёш оқарди:

-Устоз тўғри айтган эканлар! Ҳали жанг тугагани йўқ, ҳақиқий жанг энди бошланади! Раҳмат сизга, Устоз, раҳмат! «Энди барча умид ўғлингдан» деган гапингизни, ниҳоят, англадим...

Устознинг ўша сўнгги учрашувда қилган кинояси ёдига тушиб, жилмайди. Ҳа, унга ҳақиқий ворис ҳады этадиган аёл ёнгинасида экан, хайриятки, Қулаҳмад уни топди. Тамилла, унинг Тамилласи бебаҳо аёл, унинг тенги йўқ! Тақдирнинг ўзи уларни учраштирган экан ўшанда!

Гўдакнинг жиддий боқиб турган нигоҳларига кўзи тушиб, боягина бозорда рўй берган воқеани эслади. Лўли қизнинг нега қочиб кетганию кекса лўли айтган гаплар мазмуни энди унга аён эди. Ошхонада куйманаётган аёлнинг шодон хиргойисига кулоқ тутганча ўғлини бағрига босиб турган йигит мамнун жилмайди:

-Эрта-индин Юсуфбек вояга етади, мен яна Аҳмадхон, Аҳмадбек бўламан! Мен ўлмайман! Кураш давом этади!

ЎЛМАЙДИГАН ОДАМнинг фикрини тасдиқлагандек, келажакда рўй бериши муқаррар бўлган омонсиз жанглار ибтидоси бўлиб янграган момоқалдироқнинг ваҳимали товуши баҳор осмонини ларзага келтирди. Гўё еттинчи осмондаги оловли тахтида ўтириб, ўз ворисларини кузатаётган Устоз ўн саккиз минг оламини тўлдириб қаҳқаҳа ураётгандек эди...

(Тамом)